

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

6/2021

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Хуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджсан КАМИЛОВ
Робахон МАҲМУДОВА
Ҳалилило ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Замира ЭСАНОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ

⑤ Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўллўзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 0026-рақам билан рўйхатта олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош мухаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИКОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган хукукий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-йй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www.odilsudlov.sud.uz

Босишига 2021 йил 15 июнда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьтерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –10. Нашр адади 4890 нусха.

Навбатчи мухаррир
Муталиф СОДИКОВ

НАШР ИНДЕКСИ – 909

Сотувда келишилган нархда

«НАКИМА НАШР GROUP» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100 057,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Ифтихор кўчаси, 117-йй

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги қарори.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги қарори.....12

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ

М. Абдусаломов. Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги роли ва аҳамияти.....19

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕСС

Ш. Нуриддинов. Давлат айловчисининг суд муҳокамасида иштироки.....22

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ

М. Тошпулотов. Маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг тарихий ривожланиши.....24

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Р. Бердияров. Низоларда фуқаролик-хуқуқий ҳимоя қилиш воситаларининг ўрни.....27

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

З. Бабаджанова. Мехнат низолари билан боғлиқ ишларни кўриш.....30

ШАРТНОМА ҲУҚУҚИ

Б. Султонов. Ижара шартномаси ва турлари.....32

А. Каримов. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари.....36

ФАОЛИЯТ

Д. Соатов. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ривожлантириш масалалари.....38

МУЛОҲАЗА

М. Саидов. Низоларнинг тааллуқлилиги билан боғлиқ айrim масалалар.....40

СУД ОЧЕРКИ

Х. Холиқов, Н. Раҳмонова. «Катта бўлсам, «банкир» бўламан» ёхуд нафси ҳакалак отган раҳбарнинг найранглари фош бўлди.....42

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....79



ОЛИЙ СУД
ПЛЕНУМИ ҚАРОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

**СУДЛАР ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛИК
ИШЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА
КЎРИШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА**

2021 йил 20 апрель

14-сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартериш ва қўшимчалар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қараштисинки, фуқаролик ишини апелляция тартибида қайта қўриб чиқиш суд процесси иштирокчиларининг қонуний кучга кирмаган суд хужжати устидан шикоят беришга бўлган хукуқини кафолатловчи муҳим хукуқий институт ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 383-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси судида иш юритиш:

а) даъво тартибида юритиладиган ишлар бўйича:

даъвогар, жавобгар, учинчи шахс шикояти бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуqlари ва қонуний манфаатлари-

ни ҳимоя қилиш бўйича вакил шикояти бўйича, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно;

б) алоҳида тартибида юритиладиган ишлар бўйича:

аризачи, манфаатдор шахс, улар вакилларининг шикояти бўйича;

в) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича:

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари, улар вакилларининг шикояти бўйича қўзғатилилади.

Апелляция тартибида иш юритиш, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо хукуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахснинг шикояти бўйича ҳам қўзғатилиши мумкин. Ушбу шахс суд хужжатида кўрсатилмаган ҳолларда ҳам, унинг устидан шикоят қилиш хукуқидан фойдаланади.

Суд хужжати устидан апелляция тартибида шикоят қилиш хукуқига, шунингдек, тарафлар, учинчи шахслар ҳамда ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо хукуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахснинг хукуқий ворислари ҳам эга. Бундай ҳолда шикоятга хукуқий ворисликни тасдиқловчи хужжат илова қилиниши лозим.

Ишда қатнашаётган шахс вакили, шу жумладан, адвокат суд хужжати устидан

апелляция тартибida шикоят қилишга бундай ҳуқук ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада маҳсус кўрсатилган ҳолдагина ҳақли (ФПК 69-моддаси иккинчи қисми).

Прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича апелляция протести тарафнинг мурожаати мавжуд бўлганда келтирилиши мумкин.

3. Қонунга мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан бир ой ичидан берилishi ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Апелляция шикояти (протести) бериш муддати ўтишининг бошланиши, тегишлича ҳал қилув қарори қабул қилинган куннинг эртасидан ҳисобланади (ФПК 152-моддаси).

ФПК 262-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари мазмунига кўра, қўшимча ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) бериш муддати ҳам асосий ҳал қилув қарори чиқарилган кундан ҳисобланади.

4. ФПК 264-моддасига мувофиқ, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) беришган тақдирда, у иш апелляция инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилганидан кейин қонуний кучга киради.

Судлар шуни инобатга олиши лозимки, мазкур қоида апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарорининг бир қисмига беришган ҳолларда ҳам қўлланилади.

5. Апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди номига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни қабул қилган судга топширилади (ФПК 385-моддаси).

Бевосита апелляция инстанцияси судига берилган шикоят (протест) ФПК 389-моддасида назарда тутилган ҳаракатларни

амалга ошириш учун суд ҳужжатини қабул қилган судга юборилиши лозим.

Ҳар бир шикоят (протест) келиб тушган санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиниши лозим.

6. Апелляция шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома ҳам биринчи инстанция судига берилади ва ФПК 155-моддаси қоидалари бўйича кўриб чиқилади.

Апелляция шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш ёхуд рад қилиш ҳақида суд ажрим чиқаради.

Апелляция шикояти (протести) бериш муддати тикланганда, суд ҳал қилув қарори ижросини тўхтатиш масаласини ҳал қиласди, дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарори бундан мустасно.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан ФПК 155-моддаси олтинчи қисмiga кўра, хусусий шикоят (протест) берилishi мумкин.

Суднинг ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят (протест) берилганда, апелляция инстанцияси суди шикоятни (протестни) асосли деб топса, биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиб, ўтказиб юборилган муддатни тиклади ва шикоят (протест) ФПК 386-моддаси талабига мувофиқлигини текшириш ҳамда ФПК 389-моддасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш учун ишни биринчи инстанция судига юборади.

7. Судлар шуни назарда тутиши лозими, ФПК 155 ва 396-моддалари мазмунига кўра, иш бўйича бирор-бир шахс илтимосномаси бўйича апелляция шикояти (протести) бериш муддати суд томонидан узрли деб топилган сабабларга асосан тикланганда, иш бўйича бошқа шахслар томонидан ўтказиб юборилган муддатни, ўтказиб юборилиши сабабларидан қатъи назар, тиклаш тўғрисидаги масалани, қўшимча

равишида кўриб чиқиши талаб этилмайди. Бундай шахсларнинг апелляция шикояти (протести) ФПК 386, 387-моддалари талабларига риоя этган ҳолда апелляция муҳокамаси бошлангунига қадар берилиши ва умумий асосларда кўриб чиқилиши лозим.

8. Судларга тушунтирилсинки, қонунда апелляция тартибида иш юритиш предмети борасида муайян истиснолар белгиланган. Жумладан, қуидагилар устидан апелляция тартибида шикоят (протест) бериlmайди:

- 1) суд бўйруги;
- 2) устидан шикоят берилиши қонунда назарда тутилмаган ёки ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилмайдиган биринчи инстанция суди ажримлари (масалан, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича эр-хотинга ярашиш учун муддат тайинланиши муносабати билан иш муҳокамасини кейинга қолдириш ҳақидаги ажрим).

9. ФПК 386, 387-моддаларида апелляция шикояти (протести)нинг мазмuni, шунингдек, унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар юзасидан муайян талаблар белгиланганлиги сабабли, биринчи инстанция суди шикоят (протест) берган шахс томонидан ушбу талабларга риоя этилганлигини текшириши шарт.

Мазмuni ФПК 386-моддаси талаблари га жавоб бермайдиган, шунингдек, ФПК 387-моддаси талаблари бузилган ҳолда бериlgан шикоят (протест) судьянинг ажрими билан ҳаракатсиз қолдирилиб, камчиликларини бартараф этиш учун муддат берилади. Бу муддат шикоят (протест) камчиликлари бартараф этилиши учун реал имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда тайинланиши лозим. Ажримда кўрсатилган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилса, шикоят (протест) дастлаб судга тақдим этилган кунда бериlgан ҳисобланади, акс ҳолда, шикоят (протест) берилмаган ҳисобланиб, судьянинг ажрими билан қайтарилади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунда «дастлабки» апелляция шикояти (протести) берилиши назарда тутилмаган.

Апелляция шикояти (протести) биринчи инстанция суди томонидан ФПК 385-387-моддалари талаблари бажарилмаган ҳолда апелляция инстанцияси судига юборилган ҳолда, иш тегишли тарзда расмийлаштириш учун биринчи инстанция судига юборилади.

Апелляция инстанцияси суди томонидан иш апелляция тартибида кўрилаётганда бошқа шахсдан шикоят (протест) келиб тушган ҳолда ҳам иш ФПК 389-моддаси талабларини бажариш учун биринчи инстанция судига юборилади.

10. Қонунга мувофиқ, шикоят (протест) юзасидан судга тушунтиришлар (эътирозлар) тақдим этиш ишда иштирок этувчи шахс хукуки эканлигини инобатга олиб, уларнинг биринчи инстанция судига тақдим этилмаганлиги ишни апелляция инстанцияси судига юборишга тўсқинлик қилмайди.

Шикоят (протест) юзасидан тушунтиришлар (эътирозлар) иш апелляция инстанцияси судига юборилгандан сўнг келиб тушганда, улар апелляция инстанцияси судига қўшимча тарзда жўнатилиб, бир вақтнинг ўзида нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

11. ФПК 393-моддасига кўра, апелляция шикояти берган шахс апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар шикоятни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки ундан воз кечишишга, протест келтирган прокурор, шунингдек, юқори турувчи прокурор эса, протестни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки қайтариб олишга ҳақли.

Шикоятдан воз кечилганда, протест қайтариб олинганда, суд апелляция тартибида иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

Шикоятдан воз кечилиши (протест қайтариб олиниши) муносабати билан апелляция тартибида иш юритишни тугатиш масаласи суд мажлисида шахснинг шикоятдан воз кечиш (протестни қайтариб олиш) ваколати текширилгандан сўнг ҳал қилинади. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ФПК 69-моддаси мазмунига кўра, вакилнинг ишончномада кўрсатилган суд ҳужжати устидан шикоят бериш хукуки ўз-ўзидан, башарти бу ҳолат ишончномада маҳсус кўрсатилган бўлмаса, шикоятдан воз кечиш хукуқини бермайди.

Агар иш бўйича бошқа шахснинг шикояти мавжуд бўлса, шикоятдан воз кечилиши (протест қайтариб олиниши) апелляция тартибида иш юритиш тугатилишига олиб келмайди.

Агар апелляция шикоятига (протестига) бошқа шахслар (шерик иштирокчилар, учинчи шахслар) қўшилган бўлиб, улар ўз аризасидан воз кечмаган ҳолларда ҳам апелляция тартибида иш юритиш тугатилишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда суд ишни қўришни қолдиради ва уни биринчи инстанция судига ФПК 386, 387-моддалари талабларига мувофиқ, апелляция шикоятини расмийлаштириш учун юборади.

Апелляция шикоятидан воз кечилганда (протест қайтариб олинганда), апелляция инстанцияси суди тарафга шикоятдан воз кечилиши (протест қайтариб олиниши) муносабати билан апелляция тартибида иш юритиш тугатилиши уни кассация шикояти (протести) бериш хукуқидан маҳрум этишини тушунтириши лозим.

Апелляция шикоятидан воз кечилиши (протест қайтариб олиниши) муносабати билан апелляция тартибида иш юритиш тугатилганда, суд ҳужжати апелляция инстанцияси суди ажрими чиқарилган кундан қонуний кучга киради.

12. Апелляция шикояти (протести) берилгандан кейин даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши, жавобгар-

нинг даъвогар талабларини тан олиши, тарафларнинг келишув битими ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат тарзида тақдим этилиши керак. Бунда тарафларнинг тасдиқлаш учун тақдим этилаётган келишув битими ФПК 166, 167-моддалари талабларига жавоб бериси лозим.

Агар даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши, жавобгар томонидан арз қилинган талаблар тан олиниши ёхуд тарафларнинг келишув битимига эришиши иш апелляция инстанцияси судида муҳокама қилинаётганда амалга оширилса, бу ҳақда суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Апелляция инстанцияси суди даъвогарнинг даъводан воз кечишини қабул қилишдан ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин даъвогарга (тарафларга) иш юритишни тугатишнинг ФПК 126-моддасида назарда тутилган хукукий оқибатларини тушунтириши шарт.

Апелляция инстанцияси суди даъвогарнинг даъво талабларидан воз кечишини қабул қилишда, тарафларнинг келишув битимини тасдиқлашда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги масаласини муҳокама қилишга киришмасдан, уни бекор қиласи ва иш бўйича иш юритишни тугатади.

Агар даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг арз қилинган талабларни тан олиши ёки тарафларнинг келишув битими қонунга зид бўлса ёхуд бошқа шахсларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига хилоф бўлса, суд бундай воз кечиши қабул қилмайди ёхуд тузилган келишув битимини тасдиқлашни рад этади ва ишни апелляция тартибида мазмунан кўриб чиқади.

13. Суднинг ишда иштирок этувчи шахсларни шикоят (протест) бўйича ишни апелляция инстанцияси судида кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қили-

ши мажбурий эканлиги қонунда белгиланғанлығи сабабли ишни күриш вақти ва жойи ҳақида белгиланған тартибда хабардор қилинғанлығи тұғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаганда ишда иштирок этувчи шахслардан бирор-бирининг суд мажлисига келмаганлығи ФПК 397-моддасига мувофиқ, ишни күришни кейинга қолдиришга сабаб бўлади.

Апелляция инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахслар ишни күриш вақти ва жойи ҳақида тегишлича хабардор қилинғанлығи тұғрисида маълумотлар бўлганда ҳам, агар улардан бирор-бири келмаганлығи сабабини узрли деб топса, ишни күришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисига келмаганлығи сабаблари узрсиз деб топилган ҳолда, шунингдек, келмаганлик сабаблари ҳақида маълумотлар ёхуд бу сабаблар узрли эканлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлмаганда, апелляция инстанцияси суди шикоят (протест) бўйича ишни уларнинг иштирокисиз күришга ҳақли.

14. Тарафлардан бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили низоли хуқуқий муносабатдан чиқиб кетганда (фуқаронинг ўлеми, юридик шахснинг қайта ташкил қилиниши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва ҳ.к.) апелляция инстанцияси суди ФПК 47-моддасига кўра, процессуал хуқуқий ворислик суд процессининг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, бундай шахсларни уларнинг хуқуқий ворислари билан алмаштиришга йўл қўяди ва уларга ишдаги барча материаллар билан танишишга имконият беради. Хуқуқий вориснинг процессга кирғанлығи ҳақида апелляция инстанцияси суди ажрим чиқаради.

15. Судларнинг эътибори ФПК

395-моддасида белгиланған ишни кўриш муддатларига риоя қилиш зарурлигига қаратилсин.

Апелляция шикояти (протести) бўйича ишни кўриш муддати алоҳида ҳолларда иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда (масалан, бир нечта талабларнинг битта иш юритишга бирлаштирилиши, суд жараёни иштирокчиларининг кўплиги, қўшимча далилларни талаб қилиб олиш ва текшириш, ишга мутахассисларни жалб қилиш, суд топшириқларини юбориш зарурати ва ҳ.к.) апелляция инстанцияси суди ажрими билан қонунда назарда тутилган муддат доирасида узайтирилиши мумкин (ФПК 395-моддаси).

16. Қонунга кўра, иш апелляция тартибida кўрилаётганда қуйидагилар аниқланниши лозим:

биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ текширган-текширмаганлиги;

суд аниқланган деб хисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар исботланган-исботланмаганлиги;

суднинг ҳал қилув қарорида, ажримида, қарорида баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқлиги;

моддий ва (ёки) процессуал хуқуқ нормаларининг бузилган-бузилмаганлиги, улар тўғри қўлланилган-қўлланилмаганлиги;

биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган суд хужжатларининг қонун талабларига мувофиқлиги.

ФПК 396-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди суд хужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўлиқ ҳажмда текширади.

Суд хужжатини тўлиқ ҳажмда текшириш деганда, шикоят (протест) важларидан қатъи назар, ишда иштирок этувчи шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш мақсадида би-

ринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўлиқ аниқланганлиги, моддий ва процессуал қонун нормалари тўғри қўлланилганлиги текширилишини тушуниш лозим. Апелляция инстанцияси суди шикоят (протест) важларидан қатъи назар, шунингдек, аризани кўрмасдан қолдириш ёки иш юритишни тугатиш учун асослар бор-йўқлигини текширади.

17. Апелляция инстанцияси суди холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафларга ўз процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун зарур шароит яратиб бериши шарт.

Апелляция инстанцияси судида ишнинг кўрилиши коллегиал тарзда уч нафар судьядан иборат таркибда биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари асосида, бироқ ФПК 397-моддасида назарда тутилган алоҳида хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

Бунда дастлаб шикоят берган шахс ва унинг вакили тушунтиришлари тингланади. Суд ҳужжати устидан ҳар иккала тараф шикоят қилган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар ва унинг вакили сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларининг тушунтиришларида шикоятда (протестда) кўрсатилмаган важларни келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим этишга ҳақли. Бундай ҳолда суд бошқа тараф илтимосномасига кўра, янги важлар ва материаллар бўйича тайёрланиш ва тушунтиришлар (эътирозлар) тақдим этиш учун суд мажлисида танаффус эълон қиласи.

18. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, апелляция инстанцияси суди ҳар қандай далилларни, шу жумладан, биринчи инстанция суди муҳокамасида бўлган ва янгидан тақдим этилган далилларни текширишга ҳақли. Далиллар биринчи инстанция суди учун белгилangan тартиб бўйича текширилади.

Апелляция инстанцияси суди ишда

иштирок этувчи шахсларнинг экспертиза ўтказиш, далилларни таъминлаш ва талаб қилиб олиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ҳақидаги ва бошқа илтимосномаларини улар биринчи инстанция суди томонидан рад этилганлиги сабабли, қаноатлантирилмасдан қолдиришга ҳақли эмас.

Апелляция инстанцияси суди янги тақдим қилинган далилларни текширишни рад қилишни ажримда асослантириши лозим.

19. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судида арз қилинмаган янги талаб, шунингдек, даъво муддатини қўллаш ҳақидаги талаб қабул қилиниши ва кўрилиши мумкин эмас.

20. Апелляция инстанцияси суди томонидан иш юритишни тўхтатиб туриш ФПК 10-бобида назарда тутилган асослар ва тартибда амалга оширилади.

Иш юритиш тикланганлиги тўғрисида апелляция инстанцияси суди ажрим чиқаради ва ишда иштирок этувчи шахсларни иш кўриладиган кун тўғрисида хабардор қиласи.

21. Апелляция инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Апелляция инстанцияси суди ажримда шикоятнинг (протестнинг) ҳар бир вазини муҳокама қилиши, унинг асосли ёки асоссиз эканлиги ҳақидаги ўз хуласасини баён этиши шарт.

Шуни инобатга олиш лозимки, асослантирилган ажрим тузилиши кейинга қолдирилган ва суд мажлисида унинг хуроса қисми эълон қилинганда апелляция инстанцияси суди мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ажрим билан қачон танишиши мумкинлигини тушунтириши керак.

Апелляция инстанцияси суди ажрими нинг хуроса қисмида ФПК 399-моддасида белгилangan ваколатлар доирасида ишни

кўриш натижалари тўғрисидаги хulosалар, шу жумладан, суд харажатлари тақсимланиши назарда тутилиши лозим.

Апелляция инстанцияси суди қабул қилинган ажримни эълон қилганидан сўнг, суд процесси иштирокчиларига унинг мазмун-моҳиятини тушунтириши шарт.

22. ФПК 399¹-моддасига мувофиқ, суд хужжатини апелляция тартибида бекор қилишга ёки ўзгартиришга қўйидагилар асос бўлади:

1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) суднинг ҳал қилув қарорида баён этилган хulosаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

4) моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги.

Қонунга кўра, мазмунан тўғри бўлган суд хужжати факат расмий, яъни ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлмаган асослар (масалан, суд музокаралари ни ўтказиш тартиби бузилганлиги, давлат божининг асоссиз камайтирилганлиги ёки тўлови кечикирилганлиги ва х.к.) бўйича бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

23. Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш деганда, биринчи инстанция суди томонидан қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун хужжати қўлланилмаганлиги ёхуд қўлланилиши лозим бўлмаган қонун ёки бошқа қонун хужжати қўлланилганлиги, қонуннинг ёки бошқа қонун хужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги тушунилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, процессуал ҳуқуқ нормалари бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши ишнинг нотўғри ҳал этилишига олиб келгандагина, ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни бекор қилишга асос бўлади. Процессуал ҳуқуқ норма-

лари бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, ФПК 399³-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда ҳам суд хужжатини бекор қилишга асос бўлиши мумкин.

24. ФПК 399-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди қўйидагиларга ҳақли:

1) ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмасликка;

2) ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал қилув қарорини ўзгартиртишга ёки уни бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга;

3) ҳал қилув қарорини қисман ёки бутунлай бекор қилишга ҳамда ФПК 122 ва 124-моддаларида қўрсатилган асосларга кўра аризани қўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритиши тугатишига;

4) ФПК 399³-моддаси иккинчи қисми 2 ва 4-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

25. Апелляция инстанцияси суди арз қилинган даъво талаби доирасида ишда мавжуд ва қўшимча тақдим қилинган хужжатлар (далиллар) асосида иш учун аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатларни аниқлаши ва шундан келиб чиқиб, ўз ваколати доирасида қарор қабул қилишга ҳақли.

26. Апелляция инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди иш ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаб, қонуний, асосли ҳамда адолатли суд хужжати чиқарган, деган хulosага келса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмасдан қолдиради.

Апелляция инстанцияси суди ажримида шикоят (протест) важлари асоссиз ва суд хужжатининг бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилишига асос бўлмайди деб топилган-

лиги сабаблари күрсатиб ўтилиши лозим.

27. Апелляция инстанцияси суди, агар шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлувчи ҳолатлар аниқланса, ФПК 122 ва 124-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга, аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тугатишга ҳақли.

28. Судларнинг эътибори шунга қаралтилинки, ФПК 399³-моддаси иккинчи қисми 2 ва 4-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина, апелляция инстанцияси суди томонидан иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилишига йўл қўйилади.

ФПК 399³-моддаси иккинчи қисми 4-бандида назарда тутилган асос бўйича ишни янгидан кўриш учун асоссиз юборилишига йўл қўйилиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида, апелляция инстанцияси суди ажримида ўз хуносаларини асослантириши, шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан ишга жалб қилинмаган, аммо хуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги масала ҳал қилинган шахснинг процессуал ҳолатини (қўшимча даъвогар, қўшимча жавобгар, низо предметига нисбатан мустакил талаб билан арз қиласидаган учинчи шахс, манфаатдор шахс) кўрсатиши лозим.

Апелляция инстанцияси суди иш бўйича ФПК 399³-моддаси иккинчи қисмida назарда тутилган бошқа ҳолатларни аниқласа, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарорини бекор қилиши ва янги суд хужжати қабул қилиши мумкин.

29. Шуни назарда тутиш лозимки, суд харажатларини тақсимлаш масаласининг ҳал этилмаганлиги ёки нотўғри ҳал этилганлиги ўз-ўзидан суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишга ёхуд ўзгартиришга асос бўлмайди. Бундай ҳолда апелляция инстанцияси суди ажримининг хуносаси қисмida суд харажатларини ФПК

138-141-моддаларида назарда тутилган қоидалар бўйича янгидан тақсимлаш ҳақида кўрсатилади.

30. Апелляция инстанцияси суди ФПК 261, 262 ва 263-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандан ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахслар аризасига биноан қуидагиларга ҳақли:

апелляция инстанцияси суди ажрими ёзувида йўл қўйилган хатоларни ва аниқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатишга;

қўшимча ажрим чиқаришга;
ажримни тушунтиришга.

Ушбу масалалар суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахсларни уни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилган ҳолда қўрилади. Бироқ, мазкур шахсларнинг келмаганлиги бу масалаларни ҳал этиш учун тўскىнлик қилмайди.

31. ФПК 400-моддасига мувофиқ, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, хуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар биринчи инстанция суди ажрими устидан фақат қуидаги ҳолларда хусусий шикоят (протест) бериши мумкин:

агар бундай хуқуқ ФПК нормасида бевосита назарда тутилган бўлса;

агар суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўскىнлик қилса.

Биринчи инстанция судининг бошқа ажримлари устидан хусусий шикоят (протест) берилмайди, бироқ бундай ажримларга нисбатан эътиrozлар апелляция шикоятига (протестига) киритилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан апелляция тартибида хусусий шикоят (протест) бериш ва кўриш ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) бериш ва кўриш учун назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

32. Биринчи инстанция суди ажрими устидан хусусий шикоят (протест) бериш учун ФПК 400-моддаси биринчи қисмидә белгиланган йигирма күнлик муддат суд ажрими тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга топширилган ёки юборилган кундан хисобланади.

33. ФПК 402-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди хусусий шикоятни (протестни) кўриб чиқиб:

1) ажримни ўзгаришсиз қолдиришга;

2) ажримни бекор қилишга ва ишни мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

3) ажримни бутунлай ёки қисман ўзгаришга ёхуд бекор қилишга ва масалани мазмунан ҳал қилишга ҳақли.

Биринчи инстанция суди томонидан ариза суднинг иш юритувига қабул қилиниб, иш кўзғатилгандан сўнг чиқарилган ажрим бекор қилинганда (масалан, даъвони таъминлаш, аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ва х.к.) апелляция инстанцияси суди ишни мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборади.

Биринчи инстанция суднинг иш кўзғатилгунга қадар чиқарилган ажрими (масалан, аризани қайтариш ёхуд қабул қилишни рад қилиш тўғрисидаги) бекор қилинганда, апелляция инстанцияси суди бекор қилинган ажрим чиқарилишига сабаб бўлган процессуал масалани ўзи мазмунан ҳал қиласди.

34. Судларга тушунтирилсинки, ФПК 402¹-моддасига мувофиқ, маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича биринчи инстанция суди қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести) биринчи инстанция суди ажрими устидан шикоят (протест) бериш учун қонунда назарда тутилган қоидалар ва тартибида кўриб чиқиласди.

35. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, апелляция инстанцияси суди

биринчи инстанция суди томонидан иш бўйича чиқарилган хусусий ажримнинг қонунийлиги ва асослилигини текширишга ҳамда у асоссиз чиқарилганлиги аниқланган тақдирда, уни бекор қилишга ҳақли.

36. ФПК 276-моддаси талабларига мувофиқ, апелляция инстанцияси суднинг ҳар бир мажлисида, шунингдек, суд мажлисидан ташқарида амалга оширилган процессуал ҳаракати тўғрисида баённома тузилади.

37. Иш бошқа шахснинг апелляция шикояти ёки апелляция протести бўйича кўрилгандан сўнг судга келиб тушган шикоят (протест) уни берган шахсга суд хужжатлари устидан кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) хукуқи тушунтирилган ҳолда қайтарилади.

38. Фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига ишларни апелляция тартибида кўриш бўйича суд амалиётини ҳар чоракда умумлаштириш тавсия этилсин.

39. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги «Фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида»ги 4-сонли, 2018 йил 30 ноябрдаги «Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги 33-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**

И. АЛИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

СУДЛАР ТОМОНИДАН ИҚТИСОДИЙ ИШЛАРНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИДА КЎРИШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

2021 йил 20 апрель

16-сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига (бундан бўён матнда ИПК деб юритилади) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормаларининг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилисинки, иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини апелляция тартибида қайта кўриш суд процесси иштирокчиларининг қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш ҳуқуқини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

2. ИПК 259-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси судида иш юритиш:

даъвогар, аризачи, жавобгар, учинчи шахс, улар вакилларининг шикояти бўйича; тарафлар ва учинчи шахслар ҳуқуқий ворисларининг шикояти бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг шикояти бўйича, бундан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно;

ишда даъвогар сифатида катнашган давлат органлари ва бошқа шахсларнинг ши-

кояти бўйича (ИПК 50-моддаси биринчи қисми);

прокурорнинг протести бўйича қўзғатилади.

Апелляция тартибида иш юритиш, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, суд ҳужжати ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилувчи ИПК 259-моддасига мувофиқ, суд ҳужжати устидан шикояти қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг шикояти бўйича ҳам қўзғатилиши мумкин. Ушбу шахс суд ҳужжатида кўрсатилмаган ҳолларда ҳам унинг устидан шикояти қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, шу жумладан, адвокат, агар бундай ҳуқуқ ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада маҳсус кўрсатилган бўлсагина, суд ҳужжати устидан апелляция тартибида шикояти қилишга ҳақли (ИПК 63-моддаси иккинчи қисми).

Суднинг ҳал қилув қарори устидан тўлиқ ёки қисман шикояти қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий ворислари ҳам апелляция шикояти беришга ҳақли бўлиб, бунда шикоятга ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи далил илова қилиниши лозим.

Прокурор ўзининг иштирокида кўрилган иш, шунингдек, тарафларнинг мурожаати бўлган ҳолда апелляция протести келтиришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг апелляция

шикоятини қабул қилишда шуни инобатга олиш лозимки, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низо деганда, фойда олиш мақсад қилинмаган фаолиятдан келиб чиқсан низо (хусусан, юридик фактларни белгилаш тўғрисидаги, банкротлик тўғрисидаги ишлар, ҳакамлик мухокамаси билан боғлиқ, чет эл судлари ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги низолар) тушунилиши лозим.

3. Судларга тушунтирилсинки, ИПК 50-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, давлат органлари ва бошқа шахслар (масалан, Савдо-саноат палатаси, фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ва ҳ.к.) даъво улар томонидан берилган ҳолдагина суд ҳужжати устидан апелляция тартибида шикоят бериши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридағи Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил бундан мустасно.

4. Конунга мувофиқ, ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичida берилиши мумкин.

Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги, хуқуқий таъсир чорасини кўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори, банкротлик тўғрисидаги ишда аризаларни, шикоятларни (илтимосномаларни) ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган суднинг ажрими устидан апелляция шикояти (протести) у қабул қилинганидан кейин ўн кун ичida берилади.

Судларга тушунтирилсинки, апелляция шикояти (протести) бериш муддатини ҳисоблаш ҳал қилув қарори қабул қилинган санадан кейинги кундан бошланади (ИПК 119-моддаси). Бунда ИПК 262-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо хуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар, шунингдек,

суд мажлисининг вакти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслар учун апелляция шикояти (протести) бериш муддати уларга ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ҳақида маълум бўлган кундан эътиборан ҳисобланади.

5. ИПК 259-моддасида кўрсатилган шахслар ИПК 189-моддасига мувофиқ, қабул қилинган қўшимча ҳал қилув қарорига ҳам апелляция шикояти (протести) беришга ҳақлидир.

ИПК 189-моддаси бешинчи ва олтинчи қисмлари мазмунига кўра, қўшимча ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) бериш муддати ҳам асосий ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан ҳисобланади.

6. Апелляция шикояти (протеси) ҳал қилув қарорини қабул қилган суд орқали берилади ва ушбу суд шикоятни (протестни) у келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда апелляция инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.

Ушбу муддат ўтганидан кейин келиб тушган шикоят билан боғлиқ қўшимча ҳужжатлар, бошқа шахсларнинг апелляция шикоятлари ҳам апелляция инстанцияси судига юборилади.

Агар апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарорини қабул қилган судни четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса, у апелляция инстанцияси суди томонидан шикоятни (протестни) берган шахсга қайтарилади. Суд ажримида шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган суд орқали берилиши лозимлиги кўрсатилиши керак.

Биринчи инстанция суди апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки уни қайтариш масаласини ҳал этишга ҳақли эмас.

Агар апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарорини тушунтириш, хатоларни, ҳарфий хатоларни ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш, қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги ариза

бўйича биринчи инстанция суди мажлиси тайинланганидан кейин келиб тушса, суд бундай ариза бўйича иш юритишни ИПК 101-моддаси 1-бандига кўра, тўхтатиб қўяди, ишни эса шикоят (протест) билан бирга апелляция инстанцияси судига юборади.

7. ИПК 262-моддаси учинчи қисмига кўра, апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилган тақдирда, у шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномасига кўра, апелляция инстанцияси суди томонидан тикланиши мумкин. Илтимосномада муддат ўтказиб юборилишининг сабаблари кўрсатилиши лозим. Бунда судга шикоят (протест) билан ўз вақтида мурожат қилишга объектив равишда тўскىнлик қилган ҳолатлар узрли сабаблар деб ҳисобланиши мумкин.

ИПК 262-моддаси учинчи қисмида белгиланган икки ойлик муддат ўтказиб юборилганидан кейин берилган апелляция шикоятини (протестини) ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома рад этилиши, муддат бузилиб берилган апелляция шикоятини (протестини) қабул қилиш эса, рад этилиши лозим (ИПК 268-моддаси биринчи қисми 4-банди). Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаганда ҳам шикоятни (протестни) қабул қилиш шу асослар бўйича рад этилади.

Агар апелляция шикояти (протести) коёнунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган ва у апелляция инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб қабул қилинган бўлса, апелляция шикояти бўйича иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, тугатилади.

8. Апелляция шикоятини (протестини) бериш муддатини тиклаш ҳақидаги масала ишда иштирок этувчи шахсларга хабардор қилинмасдан, апелляция инстанцияси суди судъяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

9. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни ИПК 263-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат илова қилинади.

Шикоятни имзолашда факсимилемдан фойдаланишга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Агар шикоятни қабул қилишда судьяда шикоятни имзолаган шахсда таъсис ҳужжатларига мувофиқ уни имзолаш хуқуки мавжудлиги борасида шубҳа туғилса, судья апелляция шикоятини иш юритишга қабул қиласи ва аризачига унинг шикоятни имзолашга ваколатини тасдиқловчи далилларни тақдим этишини таклиф қиласи. Шикоятни имзолаш ваколатини тасдиқловчи далил тақдим этилмаганда, апелляция инстанцияси суди шикоятни ИПК 272-моддаси биринчи қисмига асосан кўрмасдан қолдиради.

10. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, апелляция шикоятига давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли илова қилиниши керак, тўлов электрон тарзда амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

Шикоятга (протестга), шунингдек, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция шикояти (протести) ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг қўчирма нусхалари юборилганлиги ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам илова қилиниши керак.

Даъво аризасини қайтариш ёки даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган апелляция шикоятига (протестига) даъво аризаси, прокурор иштирокисиз кўрилган иш бўйича протестга эса, тараф мурожаатининг қўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

Қайд этилган талабларга риоя этмаслик шикоятни ИПК 269-моддаси биринчи қисми 1¹, 2 ва 3-бандларига, протестни эса ИПК 269-моддаси биринчи қисми 1¹ ва 2-бандларига асосан қайтариш учун асос бўлади.

11. Судлар шуни эътиборга олиши керак-

ки, ИПК 269-моддаси биринчи қисмida на-
зарда тутилган апелляция шикоятини (про-
тестини) қайтариш асосларининг рўйхати
тугал бўлиб, кенгайтирилган тарзда талқин
қилинишига йўл қўйилмайди.

12. Апелляция шикоятини (протестини)
апелляция инстанцияси суди иш юритишига
қабул қилиш тўғрисидаги ажримда апелля-
ция инстанцияси суди мажлисини ўтказиш
вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажримнинг кўчирма нусхаси шикоят-
ни (протестни) берган шахсга, шунингдек,
ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга
юборилади.

13. Судларга тушунтирилсинки, давлат
органлари ва бошқа шахсларнинг апелля-
ция шикоятини қабул қилиш, агар у улар
томонидан судга даъво тақдим этилмасдан
берилган бўлса, ИПК 268-моддаси биринчи
қисми 1-бандига асосан рад этилади, Ўзбе-
кистон Республикаси Президенти хузурида-
ги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқла-
ри ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил бундан мустасно.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида юза-
га келган низо, шунингдек, тадбиркорлик
фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низо юза-
сидан қабул қилинган суд хужжати устидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти ху-
зуридаги Тадбиркорлик субъектларининг
хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳи-
моя қилиш бўйича вакил томонидан берил-
ган шикоятни қабул қилиш ҳам шу асослар
бўйича рад этилади.

14. Апелляция тартибида шикоят қили-
ниши (протест берилиши) мумкин бўлмаган
суд хужжати устидан берилган апелляция
шикоятини (протестини) қабул қилиш ИПК
268-моддаси биринчи қисми 2-бандига асо-
сан рад этилади.

Қонунга кўра, биринчи инстанция суди-
нинг қўйидаги:

ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қи-
лиш (ИПК 11-моддаси);

судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд
мажлиси котиби, таржимонни рад қилиш ва
ўзини ўзи рад қилиш тўғрисидаги масалани

кўриш натижалари (ИПК 23-моддаси);

ишни бошқа иқтисодий судга тегишли-
лиги бўйича ўтказиш (ИПК 39-моддаси);

бошқа жавобгарни ишда иштирок этиш-
га жалб этиш ёки жалб этишни рад қилиш
(ИПК 44-моддаси);

ишга даҳлдор бўлмаган жавобгарни ал-
маштириш (ИПК 45-моддаси);

ишда иштирок этишга учинчи шахслар-
ни жалб қилиш (ИПК 47, 48-моддалари);

мутахассисни суд мажлисида иштирок
етиш учун жалб қилиш (ИПК 57-моддаси);

далилларни талаб қилиб олиш ва уларни
турган жойида кўздан кечириш (ИПК 69,
70-моддалари);

ашёвий далилларни қайтариш (ИПК
79-моддаси);

экспертиза тайинлаш ёки экспертиза та-
йинлаш ҳақидаги илтимосномани қаноат-
лантириши рад этиш (ИПК 80-моддаси);

суд топшириғи (ИПК 91-моддаси);

суд топшириғининг ижроси (ИПК
92-моддаси);

иш юритишини тиклаш (ИПК 106-
моддаси);

процессуал муддатларни тиклаш (ИПК
123-моддаси);

процессуал муддатни узайтириш ёки
узайтириши рад этиш (ИПК 124-модда);

келишув битимини тасдиқлашни рад
етиш (ИПК 134-моддаси);

суд буйругини бекор қилиш (ИПК
147-моддаси);

даъво аризасини иш юритишига қабул қи-
лиш ва иш қўзғатиш (ИПК 153-моддаси);

даъвонинг асосини ёки предметини ўз-
гартириши, даъво талаблари миқдорини
кўпайтириши ёки камайтириши, даъво-
гарнинг даъводан тўлиқ ёки қисман воз қе-
чишини қабул қилиш ёхуд қабул қилишни
рад этиш (ИПК 157-моддаси);

ишларни бирлаштириш (ИПК 158-
моддаси);

талабларнинг бир қисмини алоҳида иш
юритишига ажратиш (ИПК 159-моддаси);

қарши даъвони қабул қилиш (ИПК
161-моддаси);

иши суд мұхокамасига тайёрлаш (ИПК 162-моддаси);

ища иштирок этувчи шахсларнинг аризалари ва илтимосномаларини ҳал этиш (ИПК 169-моддаси);

суд мұхокамасини кейинга қолдириш (ИПК 171-моддаси);

күшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш (ИПК 189-моддаси);

қонуний кучга кирган суд хужжатини янги очилған ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш (ИПК 330-моддаси) хақида ги ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин эмас.

Қонунга кўра, биринчи инстанция судининг суд буйруғи (ИПК 143-моддаси) ва ижро варақаси (ИПК 336-моддаси) устидан ҳам апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин эмас.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича тузилган келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция тартибида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

15. Апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли шикоятни (протестни) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажримда рад этиш асослари кўрсатилиши керак (ИПК 268-моддаси биринчи қисми 4-банди).

Ажримнинг хulosса қисмида шикоятни беришда тўланган давлат божининг қайтарилиши кўрсатилади.

16. Судларга тушунтирилсинки, апелляция шикоятида (протестида) уни имзолаган шахснинг фамилияси кўрсатилиб, исми ёки исми ва отаси исмининг кўрсатилмаганлиги шикоятни (протестни) ИПК 269-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан қайтариш учун асос бўлмайди.

Апелляция шикояти (протести) электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши мумкин. Бунда судлар шуни эътиборга олиши керак-

ки, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборот тизимида тасдиқланган бўлиши лозим, акс ҳолда у имзоланмаган ҳисобланади.

17. Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш учун бир нечта асослар мавжуд бўлганда, суд ажримида ушбу асосларнинг ҳар бири, шунингдек, улар бартараф этилгач, судга умумий тартибда шикоят (протест) билан қайтадан мурожаат қилиш хуқуқи кўрсатилиши керак.

18. Судларга тушунтирилсинки, апелляция шикояти (протести) юзасидан ИПК 270-моддаси биринчи қисмида белгиланган муддат ўтганидан кейин, аммо апелляция шикояти (протести) бўйича қарор қабул қилингунга қадар келиб тушган ёзма фикр суд томонидан қабул қилиниши ва унга тегишли баҳо берилиши лозим.

19. Апелляция шикояти билан бирга ИПК 271-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, берилган ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимоснома апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш пайтида судья томонидан якка тартибда, агар илтимоснома апелляция шикояти иш юритишга қабул қилингандан кейин берилган бўлса, ища иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқлади.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги масалани ҳал этишда иш ҳолатларини ва илтимосномада келтирилган важларни ўрганиши лозим. Агар суд аризачининг важлари асослилиги ҳақида хulosага келса, у бундай илтимосномани қаноатлантиришга ҳақли.

Ҳал қилув қарорининг ижроси апелляция инстанцияси судида иш юритиш тамомлангунинг қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

20. Судлар шуни эътиборга олиши лозимки, ИПК 101-моддасида назарда тутилган ҳолларда суд иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур.

ИПК 102-моддасида қайд этилган асослар мавжуд бўлганда, иш юритишни тўхтатиб туриш масаласи суд томонидан ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал этилади.

ИПК 101-моддаси биринчи қисми 1-бандида белгиланган нормани қўллашда шуни назарда тутиш керакки, ушбу ишни конституциявий, фуқаролик, жиноят, маъмурий ёки иқтисодий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ёки масала бўйича қарор қабул қилингунига қадар кўриш мумкин бўлмаганда, апелляция инстанцияси суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур. Агар кўрсатилган ҳолатлар мазкур ишни кўришга тўсқинлик қилмаса, иш юритишни тўхтатиб туриш мумкин эмас.

21. Судларга тушунтирилсинки, шикоятдан воз кечилганда (протест чақириб олинганда) апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритиш тутатилади. Шу билан бирга шикоятдан воз кечилганлиги (протест чақириб олинганлиги) бошқа шахснинг апелляция шикояти кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

22. Апелляция инстанцияси судида даъвогарнинг даъводан воз кечиши ҳақидаги аризаси ИПК 157-моддасида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Даъвогарнинг даъводан воз кечиши қабул қилинган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинади, иш юритиш эса, ИПК 110-моддаси 6-бандига асосан тутатилади.

23. Судлар шуни эътиборга олиши лозимики, ишда тараф бўлган юридик шахс апелляция инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилингунига қадар тутатилган бўлса, апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисми 6-бандига асосан тутатилади.

Агар ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида ишда тараф бўлган юридик шахс биринчи инстанция суди томонидан суд ҳужжати қабул қилингунига қадар тутатилганлиги аниqlанса, суд ҳужжати бекор қилинади ва иш юритиш ИПК

110-моддаси 4-бандига асосан тутатилади.

24. ИПК 273-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, агар апелляция шикоятида (протестида) биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар билдирилган бўлса, апелляция инстанцияси суди шикоятнинг (протестнинг) бу талабларга тааллуқли қисми бўйича иш юритишни тутатади.

Бунда янги талаблар деганда, биринчи инстанция судида кўриб чиқилмаган моддий-ҳуқуқий талаблар, шунингдек, биринчи инстанция судида ишни кўришда иштирок этмаган шахсга нисбатан билдирилган талаблар тушунилади.

25. Апелляция инстанцияси суди ишни суд мажлисида ИПК 34-бобида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи инстанция судида ишни кўриш қоидали-ри бўйича кўриб чиқади.

Апелляция инстанцияси судида, хусусан, бошқа жавобгарни ишда иштирок этиш учун жалб қилиш (ИПК 44-моддаси), ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш (ИПК 45-моддаси), учинчи шахсларни ишда иштирок этишга жалб қилиш (ИПК 47, 48-моддалари), даъвонинг предмети ёки асосини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш (ИПК 157-моддаси), ишларни битта иш юритишга бирлаштириш (ИПК 158-моддаси), талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш (ИПК 159-моддаси), қарши даъво тақдим этиш (ИПК 161-моддаси), шунингдек, қонунда факат биринчи инстанция учун белгиланган бошқа қоидалар қўлланилмайди.

Даъвонинг предмети ёки асосини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги аризани (ИПК 157-моддаси), шунингдек, қарши даъво аризасини (ИПК 160-моддаси) биринчи инстанция суди томонидан иш юритишга асоссиз қабул қилинмаганлиги ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

26. Суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қи-

линган, шикоятни (протестни) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг апелляция инстанцияси судининг мажлисига келмаганилиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди.

27. Судлар шуни инобатга олиши лозимки, апелляция шикояти (протести) ИПК 277-моддаси биринчи қисмида белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши лозим.

Алоҳида ҳолларда апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш муддати ишни кўраётган судлов ҳайъати томонидан кўпич билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Апелляция шикоятини (протестини) кўриш муддатининг узайтирилганлиги суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

ИПК 171-моддаси талабидан келиб чиқиб, факат ушбу нормада белгиланган асослар мавжуд бўлган ҳолларда апелляция шикояти (протести) бўйича суд муҳокамаси ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қолдирилиши мумкин. Шуни эътиборга олиш лозимки, суд муҳокамасини кейинга қолдиришлар сони уч мартадан ошмаслиги лозим.

28. Судлар ИПК 278-моддаси 5-бандини қўллашда шуни инобатга олиши лозимки, суд томонидан ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг хукуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлсагина, ушбу асос бўйича ишни янгидан кўриш учун юборишга йўл қўйилади.

29. Апелляция инстанцияси суди шунга эътибор қаратиши зарурки, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари ИПК 279-моддасида белгиланган. Бунда судлар шуни инобатга олиши лозимки, биринчи инстанция суди томонидан ўз кучини йўқотган қонун хужжатларининг қўлланилганлиги ҳам моддий хукуқ нормаларининг нотўғри қўлланилиши деб баҳоланади.

Шу билан бирга назарда тутиш керакки, айрим қонун хужжатларида муносабатлар вужудга келган пайтда амалда бўлган қонун хужжатлари қўлланилиши

назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолда суд томонидан ўз кучини йўқотган ёки ўзгартирилган қонун хужжатлари қўлланилганлиги моддий хукуқ нормаларини нотўғри қўллаш деб ҳисобланмайди.

30. Апелляция инстанцияси судининг қарори ИПК 280-моддаси талабларига муовфика бўлиши лозим.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини тўлиқ ҳажмда текшириши ва апелляция инстанцияси судининг қарорида шикоятда (протестда) баён қилинган ҳар бир важга баҳо берилиши керак.

Агар ижро этилмаган суд хужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвони тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд хужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тутатилса ёки даъво кўрмасдан қолдирилса, апелляция инстанцияси суди қарорининг хуносаси қисмида бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд хужжати бўйича ундирув тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши кўрсатилади.

31. Апелляция инстанцияси суди шунга эътибор қаратиши лозимки, биринчи инстанция суди ажрими устидан апелляция тартибида шикоят (протест) берилиши ва кўрилиши ИПК 34-бобида назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

32. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2019 йил 24 декабрдаги 26-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси
И. АЛИМОВ**



КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДНИНГ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ



Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди раиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист

Инсон хукуқларини ҳимоя қилиш ҳамда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш энг асосий вазифаларидан бири бўлган Конституциявий суд фаолиятига оид қонун янгидан қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ суд-хукуқ тизимини ислоҳ этиш, фуқароларнинг конституциявий хукуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ишончли ҳимоя қилиш, хукукий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, хар бир шахсга ўз хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат

2021 йил 28 апрелдан «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонун қучга кирди.

бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хукуки кафолатланади.

Инсон хукуқларининг мазкур конституциявий кафолати Конституция ва қонун устуворлиги принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш билан боғлиқ.

Мамлакатимизда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўради.

Барча демократик давлатлар хукукий тизимида Конституциянинг устуворлиги принципи эътироф этилади. Конституциянинг устунлигини таъминлаш ҳамда жамиятда қонунийлик мухитини яратиш инсон хукуqlari va эркинликларини кафолатлашнинг ишончли гаровидир. Конституция устуворлиги принципи унинг нормаларининг тўғридан-тўғри, бевосита амал қилишини, давлат органлари, мансабдор шахслар бу нормаларни оғишмай бажаришини, асосий қонун қоидалари бузилишининг олдини олиш, фуқароларнинг бузилган хукуқларини тиклаш ва айборларни жавобгарликка тортишни тақозо этади.

Мамлакатимизда конституциявий назорат институтини кучайтириш, уни амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга зарурат бор. Чунки, конституциявий суд ишларини юритиш амалиётининг таҳлили фуқароларнинг конституциявий хукуқларини ҳимоя қилишда ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор

долзарб муаммолар ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишини тақозо этадиган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Янги Қонун қабул қилинишининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти шундаки, охирги йилларда Конституциявий суд фаолияти мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ва давлат томонидан инсон ҳуқуқлари масалаларига берилаётган эътибор даражасидан бироз орқада қола бошлади. Конституциявий судлов жараёнини тартибга солувчи қонун ҳам халқаро меъёрлар ва замонавий талабларга жавоб бера олмай қолди.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонун 101 та моддани ўз ичига олган 13 та бобдан иборат. Таққослаш учун айтадиган бўлсақ, аввалги Қонун 5 та боб, 45 та моддадан иборат эди. Янги Қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада оширишга хизмат қиласди.

Конституциявий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги шикоятлар бўйича муайян ишда қўлланилган қонунларнинг конституциявийлигини аниқлаш бўйича янги ваколат юклатилмоқда.

Хорижий мамлакатлар конституциявий судлари тажрибасидан келиб чиқиб, муайян ишда қўлланилган қонун билан ҳуқуқлари бузилгани юзасидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуки доираси аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Агар қонун фуқаро ёки юридик шахснинг конституциявий ҳуқуқларини бузатган бўлса, муайян ишда қўлланилган ва ишнинг судда кўриб чиқилиши тугалланган бўлса, фуқаролар ва юридик шахслар Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин бўлади. Ҳуқуқ тили билан айтганда, мамлакатимизда конституциявий шикоят институти жорий этилмоқда.

Конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши Конституциявий судга мурожаатларнинг кўпайиши ва иш ҳажмининг ошишига олиб келиши табиий. Шунинг учун хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Конституциявий суд судьялари сони 9 нафар этиб белгиланди.

Янги Қонун билан Конституциявий суд судьясининг ваколат муддатлари ўзгартирилди. Конституциявий суд судьясининг ваколат муддати биринчи марта сайланганида беш йил, иккинчи марта сайланганида ўн йилни ташкил этади. Шу билан бирга, айни бир шахс икки мартадан ортиқ Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма сақлаб қолинмоқда.

Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилмоқда. Амалдаги Қонунда 12 та субъект Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлса, янги Қонун билан 15 та субъектга шундай ҳуқуқ берилмоқда. Чунончи, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар қаторига Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил киритилмоқда.

Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан масала киритиш ҳуқуки бекор бўлди. Бу, ўз навбатида, судьяларнинг Конституциявий судда кўриб чиқлаётган масалага нисбатан холислигини таъминлашга хизмат қиласди. Хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам судьялар томонидан Конституциявий судга масала киритиш амалиёти учрамайди.

Қонунда конституциявий судлов ишларини юритишнинг процессуал қоидалари батафсил тартибга солинмоқда. Конституциявий судга мурожаат қилиш, мурожаатни дастлабки кўриб чиқиш, ишни кўриб чиқиш учун қабул қилиш, Конституциявий суд ишларини юритишнинг иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд муҳокамаси, суд мажлиси баённомаси, процессуал муддатлар, суд чикимлари ва харажатларни қоплаш тартиби, айрим турдаги ишлар бўйича иш юритишнинг хусусиятлари каби процессуал тартиб-таомиллар белгилаб қўйилмоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал қоидалари Конституциявий суднинг ўзи томонидан тасдикланган регламент билан

белгиланган. Ривожланган мамлакатларнинг конституциявий одил судлов соҳасидаги тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият мамлакатлар қонунчилигига суд ишларини юритишнинг процессуал тартиб-тамоилилари Конституциявий суд регламенти билан эмас, балки қонун билан тартибга солиниши назарда тутилган. Зоро, судлов ишларини юритишнинг процессуал қоидалари инсон ҳукукларини амалга ошириш билан боғлиқ. Шу боис, бундай қоидалар қонун билан белгиланиши мақсадга мувофик.

Умумий қоидага кўра, Конституциявий суд мурожаат олинган кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай уни ўрганишга киришади ва кечи билан уч ой ичидаги қарор қабул қиласди. Янги Қонунда икки турдаги қонун бўйича, яъни, Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниклаш тўғрисидаги ишлар бўйича Конституциявий суднинг қарори 15 кун ичидаги қабул қилиниши белгилаб кўйилди.

Конституциявий суд қарорларининг турлари ва уларни қабул қилиш, эълон қилиш ва кучга киритиш тартиби ҳамда қарорнинг юридик кучи тўғрисида нормалар ҳам янги Қонунда ўз аксини топган. Конституциявий суд қарори қатъий ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Конституциявий суд қарори билан Конституцияга мувофик эмас, деб топилган норматив-хукукий ҳужжат ёки унинг муайян қисми ўзининг амал қилишини тутагади.

Давлат органлари Конституцияга мувофик эмас, деб топилган норматив-хукукий ҳужжат асосида қабул қилган ўз қарорларини бир ойдан кечиктирмай қайта кўриб чиқиши шарт.

Айтиш керакки, янги Қонунни тайёрлашда Арманистон, Бельгия, Венгрия, Германия, Грузия, Жанубий Корея, Испания, Россия, Тоҷикистон, Туркия, Украина, Қирғизистон каби мамлакатларнинг тажрибаси ва қонун ҳужжатлари ўрганилиб, таҳлил қилинган. Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксариятида Конституциявий судлар томонидан фуқаролар ҳукукини ҳимоя қилиш функцияларига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Зоро, конституциявий шикоят институти, яъни қонун ёки унинг нормаси билан фуқаро ва юри-

дик шахсларнинг конституциявий ҳукуклари бузилгани тўғрисида шикоят қилиш ҳукуқи инсон ҳукукларини ҳимоя қилишда самарали восита сифатида аҳамиятга эга.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонунининг қабул қилинишидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан шу йилнинг 30 апрель куни Конституциявий суднинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, Инсон ҳукуклари бўйича Миллий марказ вакиллари ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича вакили (омбудсман), Судьялар олий кенгаши раиси, Олий суд раиси, Бош прокурор, шунингдек Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиб, ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилар. Конституциявий суд мажлиси танқидий руҳда ўтиб, унда сўнгги йилларда суд томонидан бажарилган ишлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонунининг қабул қилиниши муносабати билан амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Конституциявий қонун нормаларини татбиқ этиш орқали Конституциявий суднинг ўрни ва ролини оширишга, фуқароларнинг конституциявий ҳукуклари таъминланишига эришиш асосий мақсад экани қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг янгидан қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларини янада кенг ва тўлиқ кафолатлаш, мамлакатимизда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қиласди. Бундан ташқари, Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал хусусиятларининг янги йўналишларини тартибга солиш конституциявий одил суд фаолиятини янги босқичга олиб чиқишида муҳим омил бўлади.

ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИНИНГ СУД МУХОКАМАСИДА ИШТИРОКИ

Жиноят ишларини юритишнинг Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини кафолатли ҳимоялашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-киммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятдир.

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлади. Ушбу вазифаларни бажаришга масъул давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида прокуратура идоралари алоҳида ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Бош прокурор раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими бўлиб, унинг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Ушбу вазифалар ижроси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилади. Прокурорнинг жиноят суд ишини юритиш жараёнидаги ваколатлари Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 33 ҳамда 34-моддаларида белгилаб кўйилган. Ушбу нормаларга асосан Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув, дастлабки тергов босқичларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади. Шу билан бирга, прокурор суд мухокамасида қатнашиб, ЖПКнинг 409-моддасида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

Судларда жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатлари самарадорлигининг мезонлари нималардан иборат, суд хатоларининг олдини олиш ва бартараф этишда прокурорнинг иштироки кай тартибда бўлиши керак?

Қонуншунос Л. П. Чумакованинг фикрича, умумий процессуал фаолият бўлган жиноят суд иши юритишнинг турли босқичлари аҳамияти талқинидан келиб чиқиладиган бўлса, прокурорнинг бирламчи вазифаси судда малакали давлат айбловини таъминлаш бўлиб, бошқа барча босқичлар ушбу вазифага эришишга хизмат қилиши керак. Бошқа бир қатор процессуалист олимлар, чунончи, С. Н. Алексеев, В. А. Лазарева ҳам шундай фикр тарафдорларидир. Ўзбекистан мустақилликка эришгунига қадар амалда бўлган «СССР прокуратураси тўғрисида»ги Қонунга кўра, прокурорнинг ушбу йўналишдаги фаолияти судларда жиноят ишлари кўрилишида қонунлар ижросини назорат қилиш сифатида белгиланган эди.

Мустақилликдан сўнг мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар бошланиши ва аввало, Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ мустақил суд ҳокимиятининг майдонга кириб келиши билан прокурорнинг суддаги иштирокига доир ҳуқукий нормаларни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди.

Қонунчиликда юз берган бундай ўзгаришлар жиноят суд ишини юритишда прокурорнинг ўрни ва роли камайтирилганидан далолат бермайди. Прокурорлар зиммасига судда фаол, малакали иштирокни таъминлаш орқали одил судловни амалга оширишда қонунийликни мустаҳкамлаш кафолати сифатида судларга яқиндан ёрдам бериш вазифаси юклатилди. Прокурор ўзининг суд жараёнидаги иштироки билан далилларнинг ҳар томонлама ва тўлиқ текширилиши, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари аниқланиши, қонуний ва адолатли суд ҳукми қабул қилинишига эришишда судга кўмаклашувчи шахс сифатида майдонга чиқиши лозим.

Профессор Б. Х. Пўлатов прокурорнинг суд жараёнидаги иштироки хусусида тўхталар экан,

прокурор суд мухокамасида иштирок этиши билан далилларни ҳар томонлама тўлиқ, холис текширишда, жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг айбини аниқлашда, у содир этган жиноятга тўғри ҳуқуқий баҳо беришда, судланувчига қонунга асосланган, адолатли жазо тайинлашда судга ёрдам беради, суд мухокамаси тарбиявий вазифани бажариши учун прокурорлар суд минбаридан содир этилган жиноятни оммавий мухокама қилиш мухитини яратиш мақсадида фойдаланишлари лозим, деб кўрсатган.

Жиноят суд иши юритиш иштирокчилари муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган, жиноий процессуал ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахслардир. Жиноят процессининг айрим иштирокчилари эса асосий процессуал функцияларни, яъни айлаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал этиш каби вазифаларни бажариш орқали суд жараённида мухим роль ўйнайди.

Жиноят ишлари бўйича суд жараёнларида иштирок этувчи ҳар бир субъектнинг процессуал мақоми ўзига хос хусусиятларга эга. Шубҳасиз, суд жиноят судлов процессида марказий ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, тортишув тарафлари бўлган прокурор ҳам, ҳимоячи ҳам жиноят судловида кенг ваколатларга эга бўлган процесс иштирокчилари ҳисобланади. Жиноят судлов процессида прокурор зиммасига кенг қамровли вазифалар юклатилган. Суд жараённида иштирок этувчи прокурор бу нафақат давлат айловчиси, балки жиноят процесси принципларига қатъий амал қилган ҳолда прокурор иштирокини малакали таъминлаш орқали фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриклиданадиган манфаатларини ҳимоялаш чораларини кўриши лозим бўлган мансабдор шахсdir.

Суд процессида иштирок этувчи прокурор иш бўйича судланувчи шахсга қўйилган айловнинг қай даражада асосли эканлиги, далиллар билан тасдиqlanganligi, қонуний баҳоланганилиги хусусида ўзининг фикрини баён этиши орқали судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга айнан шу жиноят иши доирасида жабрланувчи тариқасида жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, иш бўйича

сўроқ қилинаётган гувохларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишининг олдини олувчи шахс ҳамдир.

Айрим давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига худди шундай давлат айловчиси томонидан айблов хуласаси ўқиб эшиттириши белгиланган бўлиб, далилларни судга тарафлар, яъни айблов тарафи ва ҳимоя тарафи тақдим этиши ҳамда улар томонидан савол-жавоблар ўтказилиши белгиланган. Биринчи бўлиб далилларни айблов тарафи тақдим этиши ҳамда айловчи томонидан тақдим этилган далиллар текширилганидан сўнг ҳимоя тарафи томонидан тақдим этилган далиллар текшириши белгиланган. Бизнинг миллий қонунчилигимизда суд терговининг шу тарзда ўтказилишини белгилаш ЖПКнинг 25-моддасида белгиланган судда ишларни юритишдаги тортишув принципининг янада тўлақонли амалга оширилишига таъсир ўтказиши мумкин. Бу эса, мухокамани талаб этадиган нуқтаи назардир.

2020 йил 24 июлда Президентимиз томонидан имзоланган «Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон суд соҳасидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилгани билан мухим хужжат бўлди.

Фармон билан прокурорнинг судда иштирок этиши тартиби илғор хорижий тажриба ва ҳалқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Яъни давлат айловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни чақириб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг қўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш назарда тутилмоқда. Бу эса, судларнинг мустаҳкамланганлигини, қонунда мустаҳкамланган судда тортишув ва тенглик принципларини реал амалга оширишга хизмат қиласи.

Ш. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаси хузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси

МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистон ривожининг бугунги асосий йўналиши ва тамойиллари негизида, аввало, инсон ҳуқуqlари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари ҳамда ҳалқнинг фаровонлиги ётади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан маъқулланган «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари» биринчи бўлимининг 2-бандида ёзилишича, суд органлари ўзларига берилган ишларни ҳакиқат асосида ва қонунга риоя қилган ҳолда, ким томонидан ва қандай асосларга кўра бўлмасин, бевосита ёки билвосита ҳар қандай чекловлар, ғайриқонуний таъсирлар, майл, тазик, таҳдид ёки аралашувларсиз холислик билан ҳал қиласидар.

Суд ҳокимияти ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлиб, унинг асосий вазифаси жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш ҳисобланади. Судлар ишларни ошкора кўриш орқали ҳар бир фуқаронинг бузилган ҳуқуqlарини ҳимоя қилишига кафолат яратади. Мустақил ва холис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуqlари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ва Ўзбекистон қўшилган бошқа ҳалқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустақилланган.

Евropa Иттифоқи доирасида, хусусан маъмурий актлар, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуqlари ва манфаатларини буз-

диган давлат органларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан самарали суд назоратини таъминлаш мақсадида маъмурий ҳуқуқ принциплари ишлаб чиқилган. Евropa Иттифоқи Вазирлар Кенгаши маъмурий иш юритиш ва маъмурий одил судловни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар қабул қилган. Хусусан, 20-тавсияда маъмурий судлар қонунда назарда тутилган воситалардан фойдаланган ҳолда маъмурий органларнинг қонунга хилоф ҳужжатлари, ҳаракатсизлигини мустақил равища ўрганиш ва қонуний холосага келиш ваколатига эга бўлиш кераклиги таъкидланган. Барча маъмурий низолар (актлар) суд тартибида кўриб чиқилиши керак. Бунда суд ҳар қандай қонунбузарлик, шу жумладан, ваколатдан четга чиқиш, уни суиистеъмол қилиш, маъмурий тартиб-таомилларга амал қилган ёки қилмаганликни текшириши лозим. З-бандда суд муҳокамаси мустақил ва холислик кафолатланган ҳолда махсус маъмурий судлар томонидан амалга оширилиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий судлар ташкил этилиши тарихига тўхталишдан олдин, аввало, бу тарихнинг энг ёрқин ва шонли саҳифаларини ташкил этадиган улуғ аждодимиз, буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Тузуклар»ига мурожаат қилишни лозим топдим. Амир Темур «Тузуклар»ида шундай баён этади: «Адолат ва инсоф билан Тангримининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишла-

рим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, аскарларимга инъомлар улашдим. Золимдан мазлумнинг ҳаққини олдим. Золим етказган моддий ва жисмоний заарларни исботлаганимдан кейин, уни шариатга мувофиқ иккиси ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабрзулм етказмадим.

Раият аҳволидан огоҳ бўлдим. Ҳокимлар-у сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшигсан, уларга нисбатан дарҳол адолат-у инсоф юзасидан чора қўрдим.

Лашкар учун маҳсус қози ва раият учун алоҳида қози тайинладим. Турли мамлакатлардаги садрлар ва қозиларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётгани хусусида менга хабар қилиб туришларини буюрдим.

Қишлоқ оқсоқоли ва шаҳар улуғлари кичикроқ даражадаги одамга зулм қилсалар, ўша зулмга яраша, ҳар кимнинг кўта-ришича жарима солсинлар. Агар даруғалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм этиб, уларни хароб қилган бўлсалар, ишларига лойиқ жазо берилсин. Бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан кейин ундан жарима олсалар, сўнг яна дарра билан урмасинлар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар.

Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, ясо бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинглар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки ажрим чиқарувчи қозига олиб бориб топширсинглар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса ажрим қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг ар-

зимга етказсин. Ислом қозиси шариат ишларининг бориши ва ажрим қозиси дунёвий ишлар ҳақида менга билдириб турсинлар».

Соҳибқирон ҳазратлари ўз «Тузуклар»и орқали ўша даврда ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари ҳамда халқнинг фаровонлигини адолат асосида таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳаракатни қонун-қонида асосида текшириб чиқиб, ислом қозиси ёки ажрим қозиси томонидан инсонларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини яратганлигини кўришимиз мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сонли Фармони суд-ҳуқуқ тизимидағи ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Фармонга мувофиқ 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб оммавий-ҳуқукий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколатли бўлган маъмурий судлар ташкил этилди. Шу кунга қадар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб

чиқиши фуқаролик ва иқтисодий судлар томонидан амалга оширилаётган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада тасомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сонли Фармони суд-хуқуқ тизимидағи ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Фармонга мувофиқ 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб, маъмурий ва бошқа оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилди, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши белгиланган, шунингдек 2021 йил 1 январдан бошлаб маъмурий хуқуқ-бузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги Конуни билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс тасдиқланди ҳамда 2018 йил 1 апрелдан конуний кучга киритилди.

Мазкур Кодекснинг иккинчи бўлими биринчи инстанция судида иш юритишига бағишиланган бўлиб, Кодекснинг 16-бобида иш қўзғатиш қоидалари баён қилинган. 127-моддада иш қўзғатиш асослари кўрсатилган бўлиб, унга кўра суд манфатдор шахсларнинг, прокурорнинг, давлат органлари ва бошқа шахслар, юридик шахслар ва фуқароларнинг хуқуqlари ҳамда қонун билан қўриқланадиган ман-

фаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун бўйича судга мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлган ҳолларда, шу давлат органларининг ва бошқа шахсларининг аризалири бўйича иш қўзғатиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқи кафолатланади.

Бундан ташқари, «Судлар тўғрисида»ги Конуннинг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиги, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа хуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш хуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш хуқуқига эгадир. Бироқ, ушбу нормаларда белгиланган жисмоний ва юридик шахсларнинг маъмурий судга мурожаат қилиш хуқуки Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 127-моддасида чеклаб қўйилган. Шу сабабли, мазкур моддани тасомиллаштириш, уни Конституция ва «Судлар тўғрисида»ги Конунга мослаштириш мақсадга мувофиқдир.

М. ТОШПУЛОТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий
мақтаби тингловчиси

НИЗОЛАРДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ҳуқуқий адабиётларда тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тавсифловчи тушунчалар юзасидан турлича, хусусан, «ҳимоя чоралари», «ҳимоя усуллари», «ҳимоя шакллари», «ҳимоя воситалари», «ҳимоя механизмлари» каби атамалар қўлланилган. Айрим олимлар уларнинг синоним¹, бошқалири ҳимоя қилишнинг таркибий қисмлари бўлган алоҳида-алоҳида тушунчалар эканлигини эътироф этишади². Фикримизча, уларни ҳар доим ҳам синоним тушунчалар сифатида қўллаб бўлмайди.

Қонунчиликда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш воситалари ҳақида бирор тушунтириш ёки доктринал қоида келтирилмаган бўлса-да, назаримизда, ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган барча чоралар, усуллар ва ҳимоя шакллари бевосита ва билвосита фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари³ сифатида мужассамлашган. Қолаверса, ушбу воситалар ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарликни барта-раф этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва (ёки) уларнинг бузилиши оқибатида етказилган заарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин бўлган чоралардир. Бошқача айтганда, «ҳуқуқни ҳимоя қилиш» категорияси мазмунини бузилган ҳуқуқни тиклаш ва унинг бузилишининг олдини олиш ҳамда уни амалга оширишда ҳимоя воситаларини

қўллашга қаратилган фаолият ташкил этади.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг усуллари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида келтирилган ва ушбу усуллар тугал эмаслиги белгиланган. Бу эса, қонунда тақиқланмаган бошқа ҳимоя усулларидан ҳам фойдаланиш имкониятини беради. Жумладан, қонун ҳужжатлари барқарорлигини таъминлаш, мол-мулкнинг айрим турларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келганлигини, ўзгарганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш⁴ ҳамда келажакда низони ҳал қилишнинг муқобил усуллари назарда тутилган⁵. Мазкур усуллар тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун ва шартнома асосида уларга тегишли бўлган мулкни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф этиш билан боғлиқ барча мулкий ваколатларни амалга оширишни таъминлайди ва ҳар қандай давлат органининг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувидан ҳимоялайди.

Қайд этиш лозимки, фуқаролик қонунчилигидаги ҳимоя усулларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Айни пайтда, тадбиркорлик субъектларини солиқ органларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқа-

ролик-хуқуқий ҳимоя қилишда улардан бирдек фойдаланиб бўлмайди, бир вақтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг бир неча усусларидан фойдаланиш истисно этилмайди. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти хусусиятларидан ҳамда процессуал қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, муайян низо юзасидан факат муайян фуқаролик-хуқуқий ҳимоя усули асосида ҳимоялашниш таъминланади. Зеро, тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўзига хос хусусиятга эгадир⁶. Оммавий ва хусусий хуқуқий муносабатлар жараёнида манфаатлар тўқнашувидаги низоларни ҳал этиш борасидаги танланган чоралар профессор М.Баратов таъкидлаганидек, мамлакат бозор иқтисодиётiga яқинлашиб бориши билан маъмурий тартиб-қоидалар ўз ўрнини фуқаролик-хуқуқий институтларига бўшатиб беради⁷.

Тадбиркорлик субъектларининг солик-хуқуқий муносабатларида юзага келадиган низоларда битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш билан боғлиқ фуқаролик ҳимоя усулини қўллаш бироз баҳсли кўринса-да, солик қонунчилигидаги концептуал ўзгаришлар солик-хуқуқий муносабатларда фуқаролик ҳуқуки қоидаларини кенг қўллаш имкониятини юзага келтириди. Ҳусусан, солик қонунчилигига солик мажбуриятни бажарилишини таъминлаш усуслари сифатида мол-мулк гарови, кафилликнинг белгиланиши гаров ҳамда кафиллик битимлари билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар солик қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, фуқаролик қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланилиши учун имкон яратди.

Лекин, ҳуқуқни қўллаш амалиётида

Давлат солик қўмитаси 2021 йилнинг февраль ойида «Лозим даражада эҳтиёткорлик» хизматини ишга тушириб, унда «шубҳали солик тўловчилар» рўйхатини шакллантириди⁸. Ушбу рўйхатга тушган корхоналарга битим қалбакилиги (кўзбўямачилик учун тузилганлиги) оқибатларини солик органлари томонидан қўллаш мумкинлигига асосланиб, уларни қўллаш масаласини солик идоралари томонидан мустақил амалга ошириш ҳолатлари кузатилди ва бу ижтимоий тармоқларда тадбиркорларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди⁹. Фуқаролик кодексига кўра эса, бундай битимлар ўзўзидан ҳақиқий эмасдир.

Кўзбўямачилик учун тузилган битимда тарафларнинг мақсади бошқа битимни яшириш ҳисобланиб, ушбу битимни ҳақиқий эмас деб топиш Фуқаролик кодекси 114-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармайди. Кўзбўямачилик учун тузилган битим суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин ва низолашилаётган битим ҳақиқатда қайси битимни яшираётганлиги аниқланиши лозим. Чунки, судга фуқаролик қонун талаблари кўзбўямачилик учун тузилган ҳамма битимни ҳам ҳақиқий эмас деб топиш имкониятини бермайди, баязан беркитилган битим қонуний бўлиши мумкин. Солик кодексининг 14-моддасидаги қоидаларда солик органлари ҳар қандай битимнинг юридик таснифланишига баҳо беришга, солик тўловчи мақомини, унинг фаолият хусусиятларини ўзgartиришга, фактик жиҳатдан солик тўловчиларнинг ҳар қандай битимларини иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб, ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг оқибатларини қўллаш каби ваколатларга эга бўлиб қолганлиги, профессор О. Оқюлов ўринли қайд этганидек, фуқа-

ролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари га путур етказмоқда¹⁰.

Тадбиркорлик субъектларини солик органларининг бу каби қонунга хилоф ҳаракатларидан ҳимоя қилиш мақсадида қўйидагилар таклиф этилади:

- солик қонунчилигидаги солик органларининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва оқибатларини қўллаш билан боғлиқ фактик ваколатларини чиқариб ташлаш, низоли битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш фақатгина суд ваколатида эканлиги борасида тушунтиришлар бериш;

- бозор иқтисодиётининг ҳамда мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг замонавий талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ҳимояни янги фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усуллари билан такомиллаштириш, хусусан, давлат органининг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган битимнинг ва ўз-

ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, асосиз орттирилган бойликни қайтариш, раддия беришни талаб қилиш каби усулларни киритиш;

- фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усулларининг солик-ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқ жараёнларда юзага келишидаги ўзига хос хусусиятларини, ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун муайян тушунтиришлар беришга эҳтиёж мавжудлигини, фуқаролик ва солик қонунчилигидаги концептуал ўзгаришлар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини унификация қилиш зарурятини эътиборга олиб, «Иқтисодий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси умумий қисмини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида»ги Олий суд Пленуми қарорининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиши.

Р. БЕРДИЯРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети тадқиқотчisi

¹ Умаров Т. Ўзбекистонда шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий воситаларида ҳимоя қилиш масалалари. Т.: «Фан» нашриёти, 2000. – 43-б.

² Мильков А.В. Правовое регулирование защиты гражданских прав и правовых интересов. Дис...док.юрид.наук.М.: 2015.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (электрон китоб)да «восита» (арабча) «чора», «тадбир», «усул» каби маъноларни анлатади:// <https://www.ziyouz.com>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларни муқобил ҳал этишининг механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.06.2020 й., 07/20/4754/0771-сон.

⁶ Раҳмонқулов Ҳ., Рўзиназаров Ш., Оқюлов О., Азизов Ҳ., Имомов Н. Хусусий мулк обьектларининг ҳуқуқий мақоми. – Т.: 2007. – 116-124-б.

⁷ Боротов М.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида давлат иштироқининг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. док. ...дис. – Тошкент, 2008. 9-б.

⁸ <https://www.soliq.uz>.

⁹ <https://www.kun.uz>.

¹⁰ Оқюлов О. Фуқаролик кодекси – кундалик турмушимиз ҳуқуқий негизи //Одиллик мезони. 2020. №5.– 15-б.

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ КЎРИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»ги қарорида мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар билан тартибга солинишига судларнинг эътибори қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 270-моддасига кўра, судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қўйидаги муддатлар белгиланади:

- ишга тиклаш низолари буйича – ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилингандиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;
- ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар буйича – зарар етказилгандиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;
- бошқа меҳнат низолари буйича – ходим ўз ҳуқуқи бузилгандигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланishi мумкин.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар буйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Судья даъво қилиш муддати ўтказиб

юборилган деган асос билан даъво аризани қабул қиласликка ҳақли эмас. Суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топса, бу муддатни тиклайди. Агар суд ишдаги хужжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилгандигини аниқласа, даъвони рад этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 10-моддаси ҳамда Фуқаролик кодекси 153-моддасининг иккинчи қисми мазмунига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилиши туфайли даъвогарнинг судга мурожаат этиш муддатини ўтказиб юборганлиги масаласи суд томонидан фақат низодаги тарафнинг берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Амалиётда даъво муддатини қўллашда хатоликларга йўл қўйилаётганлиги ҳолатлари ҳам учрайди.

Масалан, ходим меҳнат шартномаси бекор қилингандиги ҳақидаги буйруқнинг нусхасини олгандан кейин судга эмас, балки прокуратура органларига, касаба уюшмаларига мурожаат қилиши, ушбу органларнинг жавобини олгандан кейин судга даъво тақдим этиши мумкин. Судлар томонидан бундай ҳолатларда иккинчи тарафнинг даъвогар томонидан бир ой муддат ўтказиб юборилган, деган важига мувофиқ даъвони рад этиши ҳоллари ҳам мавжуд.

Ваҳоланки, ходим прокуратура ёки касаба уюшмасига қачон мурожаат қиласлигини ва тегишли жавоб хатини қачон олганлигини аниқлаш лозим.

Меҳнат шартномаси корхонанинг туга-

тилиши сабабли Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди бўйича бекор қилинган шахсларни ишга тиклаш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда корхона мулкдорининг алмашиши ёки унинг қайта ташкил этилиши (кўшилиши, бўлиниши, янгидан ташкил топиши, ажралиб чиқиши, бирлашиши) корхонанинг тугатилиши деб қаралмаслигини ва меҳнат муносабатларини бекор қилишни келтириб чиқармаслигини судлар назарда тутмоқлари зарур.

Корхона мулкдори ўзгарганда, шунингдек у қайта ташкил қилинганда ходимнинг розилигига кўра меҳнат муносабатлари давом эттирилаверади. Янги мулкдор фақат корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддасига кўра бекор қилишга ҳақли. Иш берувчининг ташаббусига кўра корхонанинг қолган ходимлари билан меҳнат шартномаси фақат мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган бошқа асослар бўйича бекор қилинишига йўл қўйилади.

Корхона номининг ўзариши, шунингдек корхонанинг бир орган ихтиёридан бошқасига ўтказилиши корхонанинг тугатилиши деб баҳоланиши мумкин эмас ва бу меҳнат муносабатларининг бекор қилинишига олиб келмайди.

Шундай бўлса-да, айрим ҳолларда суд томонидан корхонанинг қайта ташкил этилиши унинг тугатилиши сифатида қаралади ва оқибатда хатоликларга йўл қўйилади.

Меҳнат кодексининг 276-моддасига кўра, айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш, асоссиз равиша бошқа ишга ўтказиш ёки меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш билан боғлиқ ҳолда етказилган заарни ундириш ва интизомий жазо бериш масалаларига

тааллуқли меҳнат низолари қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Кайд этиш жоизки, яқин кунгача судларда айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш, асоссиз равиша бошқа ишга ўтказиш ёки меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш билан боғлиқ ҳолда етказилган заарни ундириш ва интизомий жазо бериш ҳақидаги ишлар бўйича тааллуқлилик масаласида муаммолар мавжуд эди.

Олий суд томонидан тааллуқлилик масаласи бўйича тегишли тушунтиришлар берилди ва ҳозирги кунда бундай меҳнат низолари қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилмоқда.

Судлар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини бўйруқда кўрсатилган асослар бўйича текшириши лозим. Меҳнат муносабатининг бекор қилинишини суд бошқа асосда кўришга ҳақли эмас.

Агар суд ишга тиклаш ҳақидаги низолни ҳал қилишда иш берувчининг меҳнат муносабатларини бекор қилишга асоси бўлган деб топса, аммо меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифи нотўғри ёки амалдаги қонунларга мос бўлмаса, суд таърифни ўзgartиради ва ҳал қилув қарорида меҳнат шартномасини бекор қилиш сабабини қонунларга аниқ мос ҳолда, қонуннинг тегишли моддаси (банди)га таянган ҳолда кўрсатади.

Ходимнинг илтимосига биноан суд ҳал қилув қарори чиқаришда меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифини ўз ташаббусига кўра тарафларнинг келишувига асосан ўзgartириш билан чекланиши ҳам мумкин.

**З. БАБАДЖАНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
суди судьяси**

ИЖАРА ШАРТНОМАСИ ВА ТУРЛАРИ

«Ижара» сўзи арабча «ижора» сўзидан олинган бўлиб, мол-мulkни ёллаш бўйича келишувни англатади. Унга кўра бир томон (мулкдор) иккинчи томонга (ижарачига) маълум ҳақ эвазига мол-мulkни вақтинча фойдаланиш учун топширади.

С. Б. Бобоқуловнинг фикрига кўра, қадимги ўтмишда ижара муносабатлари қандай шаклларда бўлганлиги тўғрисида аник-равшан маълумотлар мавжуд эмас. Ҳар ҳолда ибтидоий жамоа тузумида ўзгалар мол-мulkидан фойдаланиш мол-мulkни ҳақ тўламасдан фойдаланиб бўлгандан кейин қайтариш шарти билан бериш кўринишида бўлган¹.

Ижара муносабатлари Қадимги Рим давлатида қулдорлик тузуми емирилиб, феодализмга қадам кўйилаётган бир даврда вужудга келганига ҳамда унинг ҳуқуқий асослари Император Конституцияси ва XII жадвал қонунларида ўз аксини топганлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин². Мазкур манбаларнинг далолат берилича, мулк ижараси муносабатлари дастлабки пайтларданоқ фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинган. Масалан, «Locatio» сўзи ижарага берувчи, «Conductio» сўзи эса ижарага оловчи деган маънени англаған. Б. М. Шакировнинг фикрича, Қадимги Рим ҳуқуқида асосан уч турдаги ижара, яъни:

1. Мулк (ашё) ижараси шартномаси (Locatio-conductio rerum);
2. Хизмат кўрсатиш шартномаси (Locatio-conductio opererum);
3. Ишлар ижараси (пудрат) шартномаси (Locatio-conductio operis) назарда тутилган ва тартибга солинган.

Марказий Осиёда мулк ижараси муносабатларининг вужудга келиши ва ҳуқуқий асосларининг шаклланиши феодализмнинг қарор топиши даврига тўғри келган. Бу давр-

да Марказий Осиёга мусулмон ҳуқуқининг кириб келиши ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Ўша даврда мулк ижарасининг ҳуқуқий асослари ижтимоий-иктисодий шароитнинг ўзига хос хусусиятлари, урф-одатлари, айниқса, мулкка, хусусан, ерга бўлган муносабат ва шунга ўхшаш бошқа омиллар таъсирида шаклланган ва ривожланган³.

XIX аср охирлари ва XX аср бошларида ижара муносабатлари Марказий Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлган мусулмон ҳуқуқи қоидалари билан бир қаторда, Россия қонунлари билан ҳам тартибга солина бошланган. Бу эса, бир пайтнинг ўзида икки хил ёки аралаш тизими юзага келтирган.

Ўзбекистонда ижара муносабатларининг ривожланишида 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Ижара тўғрисида»ги Қонун алоҳида ўрин эгаллайди. Бу Қонун мамлакатимизда ижарани татбиқ этиш асосларини, ижара муносабатларини жорий этиш мумкин бўлган соҳаларни, ижара муносабатлари субъект ва объектларини, ижара шартномасини тузиш шартлари ва тартиби ҳамда мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалаларини тартибга солиш бўйича муҳим қоидаларни ўзида мужассамлаштирган дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ижара ва ижара муносабатлари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Уй-жой кодекси, «Ижара тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари ва шу каби бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ижара бир шахснинг бошқа бир шахснинг

мол-мулкига ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиши ва ундан фойдаланишидир.

Ижара муносабатлари эса, қонунчиликда белгиланган тартибда томонлар ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Фуқаролик ҳуқуқидан маълумки, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзgartериш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Шартнома турлари ичida ижара шартномаси ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Томонларнинг ихтиёрийлик ва тўла тенг ҳуқуқлилик асосида маълум муддатга тузиладиган ижара шартномаси ижара муносабатларининг юзага келишига асос бўлади⁴.

Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади⁵.

Ҳар қандай шартномавий муносабатларда бўлгани каби ижара шартномаларининг ҳам субъектлари ва обьектлари мавжуд. Хусусан, ижарага берувчи ва ижарачи, яъни ижарага олувчилар ижара муносабатларининг субъектлари хисобланадилар.

Мол-мулк эгаси ёки у вакил қилган идора, шу жумладан, чет эл юридик ва жисмоний шахслари мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган ижарага берувчи хисобланади.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар, халқаро уюшмалар ва ташкилотлар, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ижарачи бўлишлари мумкин.

Қуйидагилар ижара муносабатларининг обьектлари бўлиши мумкин, хусусан:

корхоналар, айрим ишлаб чиқаришлар, цехлар, фермалар, бошқа бўлинмалар, ташкилотлар;

айрим бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, инвентарлар, асбоблар, бошқа моддий бойликлар;

ер (кишлоқ хўжалиги учун ажратилган

ерлар ижарага фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун берилади) ва бошқа табиий ресурслар.

Ижарага топширишга йўл қўйилмайдиган корхоналар, ташкилотларнинг, мулк ва табиий ресурсларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Фуқаролик кодексига кўра, мулк ижараси нинг қуидаги бир неча тури мавжуд:

прокат;

транспорт воситалари ижараси;

бинолар ва иншоотлар ижараси;

корхонани ижарага бериш;

лизинг (молия ижараси).

Қонунчилигимизга кўра, мулк ижараси шартномаси оғзаки ва ёзма, шу жумладан, нотариал тартибда тасдиқланган шаклда бўлиши мумкин. Бунда ёзма шаклга нисбатан қонунда қўшимча талаблар, шунингдек шартномани давлат рўйхатидан ўтказишга доир талаблар ҳам қўйилиши мумкин. Мулк ижараси шартномасининг шакли шартноманинг муддати, унинг тарафлари бўлиб кимлар иштирок этиши, ижарага берилаётган мол-мулкнинг тури, мол-мулкнинг тақдирига доир шартларга боғлиқ бўлади.

Мулк ижараси шартномаси жисмоний шахслар ўртасида оғзаки шаклда фақат бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилиши мумкин. Бунда битим баҳоси аҳамиятга эга эмас. Бироқ, агар мулк ижараси шартномасининг алоҳида турларига нисбатан қонунда ёзма шакл белгиланган бўлса, у ҳолда жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган бундай мулк ижараси шартномаси муддатидан қатъи назар, оғзаки тузилиши мумкин эмас⁶.

Юридик шахслар ўртасида ёки юридик шахс ва жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган мулк ижараси шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим.

Бир йилдан ортиқ муддатга тузиладиган мулк ижараси шартномаси, кўчмас мулк ижараси шартномаси ким тарафидан бўлишидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши зарур.

Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларида мулк ижараси шартномаси шаклига доир қўшимча талаблар ҳам белгиланган.

Жумладан, прокат шартномаси ёзма шаклда тузилади (558-модда). Транспорт воситалари ижараси шартномаси муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши лозим (565-модда). Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолайдиган битта хужжат тарзида ёзма шаклда тузилади, агар шартнома муддати бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилса, шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам керак (574-модда). Корхонани ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолаган битта хужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (580-модда).

Мулк ижараси шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади.

Агар мулк ижарасининг муддати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади.

Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса – уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин.

Қонун ёки шартномада номуайян муддатга тузилган мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Қонунда мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек мол-мулкнинг айрим турларини ижарага олиш учун энг кўп (охирги) муддатлар белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, башарти ижара муддати шартномада белгиланган бўлмаса ва қонунда белгиланган охирги муддат тугагунича тарафлардан ҳеч қайсиси шартномадан воз кечмаса, охирги муддат ўтиши билан шартнома бекор бўлади. Қонунда белгиланган охирги муддатдан ортиқ муддатга тузилган бундай мулк ижараси шартномаси охирги муддатга тенг муддатга тузилган ҳисобланади⁷.

Мулк ижараси шартномасининг алоҳида турлари учун қонунда шартнома амал қилишининг энг кўп муддати белгиланиши мумкин. Масалан, прокат шартномаси бир йилга тузилиши мумкин. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 11-мод-

дасига кўра, ер участкасини ижарага беришнинг энг кўп муддати 50 йилгача бўлиши мумкин⁸.

Ижара шартномаси муддати тугаганидан кейин ҳам ижараби ижарага олинган мулқдан амалда фойдаланишни давом эттираверса ҳамда ижарага берувчи ижара шартномаси муддати тугагунига қадар бунга ҳеч қандай эътиroz билдирамаган ва шартномада ўзгacha шартлар кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда шартнома худди шу муддатга давом эттирилган ҳисобланади.

Шартнома муддати тугагач, шартномадаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижараби шартномани қайта тиклашда бошқа шахсларга нисбатан устун ҳуқуқка эга бўлади.

Мулк ижараси шартномаси мулқдор томонидан мол-мулкни тасарруф этиш усулини ўзида ифодалайди. Мулк ижараси шартномаси мулқдорга мулкни ижарага бериш орқали муайян даромад кўриш имкониятини беради. Мазкур шартнома тадбиркорлик фаолиятида ҳам, бошқа, шу жумладан, майший соҳаларда ҳам кенг кўлланилади. Бунда мулқдор ўзи томонидан вақтинча фойдаланилмаётган мол-мулкни ижарага беради.

Умумий қоидага кўра, мулк ижараси шартномасида мол-мулк ижарага берувчи томонидан ижарага оловчига эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки мол-мулқдан фақат фойдаланиш учун топширилади. Масалан, транспорт воситалари ижараси шартномаси, прокат шартномаси ижарага оловчига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топширилади. Бино ва иншоотлар ижарасида эса объект ижарага оловчига фақат фойдаланиш учун топширилади.

Мол-мулкни топширишга қаратилган бошқа шартномалардан, масалан, олди-сотди, қарз шартномаларидан фарқли равишда мулк ижараси бўйича эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш вақтинчалик бўлади.

Мулк ижараси шартномаси ҳақ эвазига тузилади. Мулк ижараси шартномаси объектлари ижарага оловчига ҳақ эвазига топширилади. Акс ҳолда мол-мулқдан текин фойдаланиш юзага келиб қолади.

Вақтингчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш шартлари мулк ижараси шартномаси билан белгиланади. Агар шартнома ижарага оловчи томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузилган бўлса, у ҳолда ижарага олинган мол-мулқдан тегишли даромад олишни назарда тутади. Бундай даромад agar бундай шартномага зид бўлмаса, бошқа ҳолатларда ҳам олиниши мумкин. Умумий қоида бўйича бундай ҳолларда олинган даромад, шу жумладан, маҳсулот, ҳосил ва мевалар ижарага оловчининг мулки ҳисобланади.

Шу билан бирга, қонунда ёки мулк ижараси шартномасида ушбу мол-мулқни ижарага олиб фойдаланишдан олинадиган даромадларнинг кимга тегишли бўлиши ҳакида бошқача шартлар ҳам белгиланиши мумкин⁹.

Ижара муносабатларини тартибга солувчи миллий қонунчилигимизда баъзи бўшликлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Уй-жой кодекси ва бошқа маҳсус қонунларда ижара ҳамда унинг объектиниң турли маъноларда ишлатилиши судларда бу каби низоларни қўришда баъзи тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Масалан, Уй-жой кодексининг 9-моддасида қўп квартирали уйлардаги турар жойларни саноат эҳтиёжлари учун ишлатиш, ижара ёки арендана бериш ман этилади¹⁰, деб таъкидлаб ўтилган. Мазкур нормада «ижара» ва «аренда» сўzlари бир ўринда кетма-кет қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, мазкур Кодекс 133-моддасининг иккинчи қисмида давлат ва хусусий уй-жой фондларидағи жойларнинг мулқдорлари, ижарага, арендана оловчилари ўзларига кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун қонун ҳужжатларига ва коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар (ижрочилар) билан тузилган шартномаларга мувофиқ мажбурий тўловлар тўлайди¹¹, деб белгиланган. Ушбу нормада ҳам «ижара» ва «аренда» сўzlари бир ўринда кетма-кет қўлланилган. Бу каби такрорланишларни бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Б. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси

¹ Бобоқулов С.Б. Ижара ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент, «Илм зиё», 2009. 5-б.

² Шомухаммедов З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2002. 104-107-б.

³ Усманов М.Б. Қишлоқ ҳўжалигида ижара муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишининг назарий муаммолари: Юрид. фан. док. дисс. Автореферати. – Тошкент, ЎзРФА ФХИ, 1997. 40-б.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Ижара тўғрисидаги қонуни 5-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 45-модда; 1993 й., 9-сон, 329-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 153-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 23 октябрь.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 23 октябрь.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 23 октябрь.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фермер ҳўжалиги тўғрисидаги қонуни 11-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 433-модда.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 23 октябрь.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 9-моддаси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 133-моддаси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ШАРТНОМАСИННИГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида ҳақ эвазига хизмат күрсатиш шартномаси алоҳида юридик категория сифатида қаралади. Ҳақ эвазига хизмат күрсатиш шартномасига оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 38-бобида белгиланган бўлиб, ҳақ тўлаш, шартномани бажариш, уни бузганлик учун жавобгарлик ва шартномани бекор қилиш, ҳақ эвазига ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга оид нормаларни ўз ичига олган.

ФК 703-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ушбу бобнинг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёхлик хизмати ва бошқа хизматлар күрсатиш шартномаларига татбиқ этилади.

Бугунги кунда иқтисодий тармоқларнинг жадал ривожланаётганлиги, замонавий хизматлар ва сервиснинг ҳаётимизга кириб келаётганлиги, турлари кенгайиб бораётганлиги ҳақ эвазига хизмат күрсатиш соҳасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни қайта кўриб чиқишини ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Хусусан, тиббий хизмат күрсатишга оид йўналишлар бўйича таҳлил қилишга ҳаракат қиласман.

Фуқаронинг соғлиғи номоддий неъмат ҳисобланади ва фуқаролик ҳуқуқлари обьекти таркибиға киради. И. Б. Зокиров фуқаролик ҳуқуқи обьекти хисобланган номоддий неъматларни санаб ўтар экан, улар жумласига фуқаронинг соғлигини ҳам киритиб ўтади. Унинг фикрига кўра, моддий кўринишдаги неъматлар (ашёлар) билан бир қаторда номоддий неъматлар ҳам фуқаролик ҳуқуқининг обьекти ҳисобланади. ФКда номоддий неъматлар тушунчаси берилган бўлиб, унга асосан фуқарога туғилишдан ёки

қонун бўйича тегишли бўлган шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, шахсий дахлсизлиги, қадр-қиммати ва пок номи, касбий нуфузи, ҳусусий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оммавий сирлари, эркин кўчиб юриш, туриш ва яшаш жойини танлаш, муаллифлик ва бошқа шахсий мулкий ҳуқуқлари номоддий неъматлар ҳисобланади¹.

Юридик адабиётларда фуқаронинг соғлиғи тушунчасига алоҳида юридик категория сифатида эмас, шахснинг номулкий ҳуқуқлари таркибидаги элементлардан бири сифатида қараш ҳоллари учрайди. Хусусан, айрим муаллифларнинг фикрича, соғлиққа бўлган ҳуқук жисмоний шахс – фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқи бўлиб, унинг муҳофазасини амалга оширишни талаб қилиш ва унинг бузилмаслигига бўлган ҳуқук, одатда, фуқаролик-ҳуқуқий воситалар билан амалга оширилади. Шу сабабли, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи ёки фуқаронинг ўз соғлиғига бўлган ҳуқуки шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида ФКнинг 99-моддасида ўз ифодасини топган².

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муасасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди³.

Фуқароларнинг соғлигини сақлашда ФК нормалари ҳам алоҳида ўрин тутади. Кодекс 703-моддасининг биринчи қисмига кўра, ҳақ эвазига хизмат күрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси субъектлари сифатида буюртмачи ва ижрочи иштирок этади. Тўғри, тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар билан аксарият ҳолатларда бемор буюртмачи ва ҳақ тўловчи сифатида шартнома тузади ва тиббиёт муассасаси ижрочи сифатида ҳақ эвазига тиббий хизмат кўрсатади. Бироқ, шунни алоҳида таъкидлаш керакки, бемор ҳар доим ҳам буюртмачи бўлавермайди.

ФКнинг 2-моддасига кўра, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик қонун хужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўладилар. Ушбу нормадан келиб чиқиб, табиийки, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик ҳукуки субъектлари ҳисобланади. Ушбу Кодекснинг 102-моддасига кўра, битимлар кўп тарафлама бўлиши, 354-моддасига кўра, тарафлар аралаш шартнома тузишлари мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 214-моддаси тартибida иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиш мажбуриятидан келиб чиқиб, иш берувчининг тиббиёт муассасаси билан ҳақ эвазига химат кўрсатиш ҳақида шартнома тузиш ҳукуқига эга эканлиги далил бўла олади. Шунингдек, юртимизда ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни ва ижтимоий тоифадаги шахсларни бепул даволаш ва ташхис қўйиш юзасидан ордер тизими жорий этилганлиги, бунда бемор давлатнинг ваколатли соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан берилган ордерни тиббиёт муассасасига тақдим этиш орқали бепул имтиёзли даволаниш ҳукуқига эга бўлишини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Яъни, тиббиёт муассасаси беморни даволайди, иш берувчи ёки давлат кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш мажбурия-

тини олади. Мазкур ҳолатда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси иштирокчилари бўлиб, давлат ёки иш берувчи буюртмачи сифатида, бемор наф олувчи ва тиббий муассаса хизмат кўрсатувчи ёки ижрочи сифатида намоён бўлади. Бироқ, шартноманинг бундай кўп тарафлама бўлиши, яъни наф олувчи тушунчаси ФКнинг 38-бобида назарда тутилмаган.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида учинчи шахс буюртмачи сифатида қатнашган ҳолларда беморнинг наф олувчи сифатида ҳукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Яъни, бемор сифатли, малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, дори-дармонлар билан имтиёзли таъминланиши, ўз соғлиғи ҳақида маълумотлар олиши, тегишли тартибда меҳнатга вақтингча лаёқатсизлик варакаси олиши ёки тиббий хизмат кўрсатилишини ёхуд тиббий аралашувни рад этиши мумкин.

Бироқ, фуқаронинг соғлиғи ФКда шартномавий муносабатлар обьекти сифатида назарда тутилмаган.

Шу сабабли, фикримизча, ФКнинг 38-бобини қайта кўриб чиқиш ва унда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш ва расмийлаштириш тартиби, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг асосий қоидалари, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ижроининг ҳукуқ ва мажбуриятлари, буюртмачининг ҳукуқ ва мажбуриятлари, наф олувчининг ҳукуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик, сифатсиз хизмат кўрсатиш оқибатлари, сифатсиз хизмат кўрсатилганда буюртмачи ёки наф олувчининг ҳукуқлари, шартноманинг бекор бўлиши каби моддаларни киритиш лозим.

**А. КАРИМОВ,
Фарғона вилоят судининг
иктисодий ишлар бўйича судьяси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори**

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳукуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. 218-б.

² Якубова И.Б. Япония ва Ўзбекистон қонунчилигига шахсий-номуликий ҳукуқларнинг фуқаролик-ҳукукий муҳофаза қилиниши: юрид. фан. номз. дисс...Автореф. –Тошкент: 2018. 8-б.

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 // president.uz расмий сайти.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабаталарини ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан бири ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш асосида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришdir.

Айниқса, иқтисодиётнинг турли соҳаларида акциялаштириш жараёнларининг жадаллашуви ҳамда хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятлари фаолиятида иштирокининг ортиши ушбу ташкилий тузилмаларда корпоратив бошқарув механизмини ривожлантиришни кун тартибига қўяди.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш зарурияти, биринчидан, улар фаолиятига хорижий ва миллий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, иккинчидан, акциядорлик жамиятларининг бозор қийматини ошириш, учинчидан, иқтисодиётни бошқариш тизимида марказлаштиришни чеклаш, тўртинчидан, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида акциялаштириш жараёнларини янада тезлаштириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Корпоратив бошқарув акциядорлар ва акциядорлик жамияти бошқарув органларининг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирувчи механизмдир.

Унинг воситасида акциядорлар (инвесторлар) жамият бошқарув органлари фао-

лиятини назорат ва мониторинг қилиш имкониятига эга бўладилар.

Бинобарин, корпоратив бошқарув механизми асосида жамият бошқарув органларининг акциядорлар олдида ҳисобдорлиги таъминланади.

«Корпоратив бошқарув» атамаси XX асрнинг 80-йилларида вужудга келган бўлиб, тижорат ташкилотларининг янги бозорлар ва молиялаш манбаларига эга бўлишга интилиши, инвестиция ҳамда иқтисодий жараёнларда глобаллашув жараёнларининг кучайиши, тижорат ташкилотларида бошқарув принципларининг унификациялашиб натижасида ривожланган.

Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмини жорий этиш зарурияти давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари билан бевосита боғлиқ.

Маълумки, акциядорлик жамияти, корпорация, холдинг ва бошқа шу каби шаклдаги ташкилий бошқарувга асосланадиган тадбиркорлик бирлашмаларида мулкдор (акциядор) ушбу ташкилий бирлашмаларнинг бошқарувида иштирок этмасдан, бошқарув ваколатини директорлар кенгаши, менежмент каби профессионал бошқарувчиларга топширади. Корпоратив бошқарувнинг зарурияти акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини таъминлаш асосида, жамият мулкдорлари ва жамият фаолиятидан манфаатдор шахслар хуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Корпоратив бошқарув механизми акция-

дорлик жамияти директорлар кенгашининг акциядорлар олдида, менежерларнинг директорлар кенгаши олдида, йирик ҳажмдаги акцияларга эга шахсларнинг миноритар акциядорлар олдида, акциядорлик жамиятининг харидорлар олдида жавобгарлигини таъминлашга қаратилган.

Корпоратив бошқарув муносабатлари фақат акциядорлик жамиятлари фаолияти билан чекланиб қолмасдан, бошқа ташкилий-хукукий шаклдаги тадбиркорлик тузилмалари (корпорациялар, холдинглар ва бошқа) фаолиятига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Корпоратив хукуқ соҳасида изланишлар олиб борган аксарият тадқиқотчилар самарали корпоратив бошқарув тизимининг ташкил этилиши акциядорлик жамиятларининг бозор муносабатлари шароитида рағбатбардошлигини ошириши ҳамда даромадлари кўпайишида муҳим омил бўлишини таъкидлайдилар.

Чунки, самарали корпоратив бошқарув механизми воситасида акциядорлар, акциядорлик жамиятлари даромадлари ва бозор қийматини оширишни таъминлаш мақсадида жамият бошқарув органлари фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса, бошқарув органлари фаолият самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини ташкил этишнинг зарурияти компания фаолиятига инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришдан иборат. Инвесторларнинг фикрига кўра, самарали корпоратив бошқарув тизимининг мавжудлиги акциядорлик жамиятлари фаолияти мусаффолигини таъминлайди. Натижада инвесторнинг инвестициявий фаолиятида унинг капитал йўқотишига доир таваккалчилиги камаяди.

Ўзбекистонда ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни ташкил этишнинг сабаби ҳам айнан акция-

дорлик жамиятлари фаолиятида инвесторларни, хусусан хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш омилидан келиб чиқади.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, акциядорлик жамиятлари фаолиятида институционал инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш акциядорлик жамияти акцияларининг бозор қийматини оширишнинг асосий омилларидан биридир.

Инвесторлар тегишли компания (акциядорлик жамиятлари, корпорация, холдинг) иқтисодий фаолиятига инвестиция киритиш жараёнида компания акциядорлари, хусусан миноритар акциядорлар манфаатлари қай даражада химоя қилиниши, компания бошқарув фаолияти қай тарзда ташкил этилганлиги, компания бошқарув ва назорат функцияларининг тақсимланиши, компания фаолияти хусусидаги маълумотлар ҳақида инвесторларни хабардор қилиш тартиби ҳақида маълумотларга эга бўлишга интилишлари табиийдир.

Шу сабабли, аксарият компаниялар ўз фаолиятида самарали бошқарув ва назорат тизимини яратиш асосида хорижий инвестицияларни жалб этишни мақсад қиласди. Чунки, инвесторлар ўз инвестицияларини айнан самарали корпоратив бошқарув тизими мавжуд бўлган компаниялар фаолиятига киритишга интиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, фаолият кўрсатувчи акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларини жорий этиш акциядорлик жамиятларининг инвестициявий жозибадорлигини оширади, инвесторларни жалб қилишга кўмаклашади, акциядорлик жамияти кредитлаш ставкаларини пасайтиради, уларнинг бозор қиймати кўтарилишида муҳим восита бўлади.

Д. СОАТОВ,
Фориш туман иқтисодий
суди раиси

НИЗОЛАРНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Тааллуклилик муайян низонинг у ёки бу суд (давлат органи) томонидан кўрилиши ва ҳал қилинишига бўлган алоқадорлигини белгилаш институти сифатида муҳим аҳамиятга эга. Тааллуклилик процессуал қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Судларнинг у ёки бу низони кўриб чиқиш мазкур судга тааллукли эмас деб, ёхуд даъво аризасида қўйилган талаб суднинг ваколатига кирмаслиги тўғрисидаги важ билан даъво аризаси (ариза, шикоят)ни қабул қилишни рад этиши, ёки аввалига даъво аризаси (ариза, шикоят)ни иш юритишга қабул қилиб, кейинчалик ишнинг судга тааллукли эмаслиги тўғрисидаги асос билан иш юритиши тугатиши томонларнинг ҳақли эътиrozига сабаб бўлиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сонли Фармони талабидан келиб чиқиб, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш мақсадида суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиши турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисидикция судларини ташкил этиш белгиланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолинган ҳолда уларга тааллукли бўлган низолар доирасига бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, аниқроғи, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқлаётган маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиб, маъмурий ва бошқа оммавий хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлари фаолияти белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига суд карорларини қайта кўришнинг бир-бирини тақрорловчи босқичларини оптималлаштиришга оид ўзгартиришлар киритилиб, суд тизимига «бир суд – бир инстанция» тамойили жорий этилди ва суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тутатилди.

Кўпгина жисмоний ва юридик шахсларнинг судлардаги сарсонгарчиликларга нисбатан билдирган эътиrozлари бу борадаги муаммонинг жиддийлигини билдириб, бу ҳолатга давлатнинг аралашувини тақозо этди. Зоро, бугунги кунда ҳам гарчи фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида ягона Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ташкил этилган бўлса-да, судга тааллуклиликка оид муаммолар тўлиқ бартараф этилган деб бўлмайди. Чунки, тааллуклилик процессуал қонун нормаларидағи институт ҳисобланниши сабабли, судларда тааллуклиликка оид масалани ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли процессуал кодексларга ўзгартириш киритиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган Йўл харитасининг 112-бандида судга мурожаат қилган шахсларни сарсон қилмаслик мақсадида тааллукли бўлмаганлиги учун қабул қилиш рад қилинаётган даъво ариза (ариза)ларни кўриб чиқиш учун тааллукли бўлган судга тўғридан-тўғри юбориш чорасини кўриш, ишларнинг тааллуклилиги масалаларида юзага келаётган ҳолатларни вилоят миқёсида муҳокама қилиб, ҳал этилишини таъминлаш белгиланди.

Амалдаги процессуал кодекслардаги низоли ишлар бўйича даъво аризаси (ариза)ни иш юритишга қабул қилишни рад этиш масаласини ҳал қилиш борасидаги нормаларда бир қатор

фарқлар мавжудлигини аниқлаш қийин эмас.

Жумладан, Иқтисодий процессуал кодекси (152-модда) ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида (131-модда) даъво аризаси (ариза, шикоят)ни иш юритишга қабул қилишни рад этиш бундай хужжат судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилиниши белгиланган бўлса, Фуқаролик процессуал кодексида (192-модда) бу муддат ўн кунни ташкил этади. Шунингдек, ФПКда (194-модда) агар талаб судга тааллуқли бўлмаса, ажримда судья аризачи қайси органга мурожаат қилиши лозимлигини кўрсатиши шартлиги белгиланган, ИПК ва МСИЮтКда бундай шарт ва тартиб мавжуд эмас. Бундан ташқари, ФПКда судъянинг Кодексда назарда тутилган асослар бўйича аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиши судга иккинчи марта мурожаат этишга тўқсинглик қилиши белгиланган, ИПК ва МСИЮтКда бундай шарт мавжуд эмас.

Амалда даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим у чиқарилганидан кейин ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади. Даъвогарга юборилаётган ажримга даъво материаллари илова қилинади. Амалиётда даъво аризаси (ариза)нинг фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан қабул қилиш рад этилган ҳолатлар ҳам талайгина.

Даъвогар Салимова Бинафшанинг даъво аризаси бунга яққол мисол. Даъвогар фуқаро Б. Салимова жавобгар – Давлат хизматлар агентлиги Чилонзор туман бўлими ва қўшимча жавобгар – «ALTAR GROUP» оиласиий корхонасиiga нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига мурожаат қилиб, оиласиий корхонанинг таъсис шартномаси 2-бўлими-нинг 2.2-бандини ҳақиқий эмас деб топишни ва ҳақиқий эмас деб топилган таъсис шартномаси оқибатини кўллашни сўраган.

Даъво талабига унинг турмуш ўртоги Салимов Ақмал умумий рўзгор асосида ортирилган нотурар бинони оиласиий корхонанинг устав фондини шакллантириш учун Б. Салимованинг розилигизиз киритганлиги асос сифатида кўрсатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2021 йил 10 февралдаги ажрими билан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш рад қилинган. Суд хужжатида мазкур келишмовчилик корпоратив низо сифатида иқтисодий судда ҳал этилиши баён этилиб, даъвогарга Тошкент туманлараро иқтисодий суди-

га мурожаат қилиш хукуки тушунтирилган.

Даъвогар Салимова Бинафша суднинг ажримини олгач, айнан шу даъво аризаси билан 2021 йил 23 февралда Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 26 февралдаги ажрими билан низо иқтисодий судга тааллуқли эмаслиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 154-моддасининг 1-бандига асосан қабул қилиш рад қилинган.

Кейинчалик, даъвогар томонидан суд хужжатлари устидан юқори инстанция судларига шикоят киритилган.

Судъяларнинг ўзи у ёки бу низонинг тааллуклилиги борасида бир тўхтамга кела олмаслиги бу соҳани тартибга солувчи нормаларни қайта кўриб чиқишини тақозо этади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг суд химоясини таъминлашдаги бу каби ортиқча бюрократик тўсиқлар одил судлов жараёнида инсон хукукларини химоя қилиш принципига мутлақо зид ҳисобланади.

Процессуал хукуқ нормалари ҳар бир судда иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Аммо, шуни инобатга олиш лозимки, биринчидан, бугунги кунда вилоят миқёсида учта йўналиш бўйича судлар бирлаштирилган, иккинчидан даъво аризаси (ариза)ни иш юритишга қабул қилишни рад этиш ҳамда унинг оқибатлари барча процессуал нормаларда бир хилда тартибга солиниши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, амалдаги процессуал кодексларга ваколатли суднинг тааллуқлилик коидаларига риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилган даъво аризаси бошқа судга тақдим этилган тақдирда, суд даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарип, даъво аризаси ва унга илова қилинган хужжатларни даъвогарга қайтармасдан, ваколатли судга ўтказиши лозимлигини белгиловчи нормалар киритилиши лозим ва бир суддан бошқа судга юборилган иш у юборилган судда кўриш учун қабул қилиб олиниши керак.

М. САИДОВ,
Тошкент шаҳар суди
раисининг ўринбосари,
иқтисодий ишлар бўйича
судлов ҳайъати раиси

«КАТТА БҮЛСАМ, «БАНКИР» БҮЛАМАН» ёхуд нафси ҳакалак отган раҳбарнинг найранглари фош бўлди

Сарварга болалигида катта бўлсанг, ким бўласан, деган саволни беришса, ҳеч иккиланмай «банкир», деб жавоб берарди. Ахир «банкир»-лик биринчидан, давр талаби бўлса, иккинчидан, бу соҳада даромад борлигини ёш бола ҳам билади. Хуллас, Сарвар банк мутахассислигига тайёрловчи олийгоҳга кириш учун ҳракатни бошлаб юборди. Мактабда ўқиб юрган кезлари ўқитувчиси уни «синфком» қилиб қўйди. Ҳаммаси ўшандан бошланди. Синф фонди ҳамда майда-чуйда харажатлар учун ҳар ойда синфдошларидан пул йифилар, бу пулларни ярмини устозига берса, ярмини «туя» қиласади. Бу иш мойдек ёқиб қолиб, коллежда ҳам «староста»ликни қўлга олди. Синфдошларининг чўнтағида икки дона гуммага пул топилмай турган вақтда Сарвар Чорсу бозоридан қази-қартали ошни пақкос тушириб оларди. Ҳа, деса, бели синмайдиган йигитда, чунки чўнтағида фонднинг пулидан чегириб қолган ақча бўлади.

«Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас», деганларидек, бу одатини университетда ҳам давом эттириди. «Даромадга қараб буромад», деганларидек, университетда аҳволи анча яхшиланиб қолди. Бойвачча курсдошлари унча-мунча пулнинг юзига

қарамас эди. Молия институтининг иккинчи курсига ўтганида банкда амалиёт ўтказиш учун чиқаришди. Сарвар банкда уч ой амалиёт ўтказди. Унга банкда устозлик қилган амалиёт раҳбари: «Сен бола узоққа бормайсан-ов, негаки назаринг жуда оч. Банкда назари тўқ одам ишлаши керак», дегани учун бошқа қайтиб бормай қўйди. Сабаби, Сарвар шу уч ой ичида банкданам қуруқ қўл билан қайтмади. У пайтларда ҳозиргидек банкоматлар оммалашмаган, одамлар пластик картадаги пулларини нақд пулга айлантириш учун Сарварга ўхшаган ҳожатбарор излашарди. Сарвар шундай судхўрлар билан тил бириктириб, банкдан пул ечиб, фойдасини чўнтакка ура бошлади. Амалиёт раҳбари буни сезиб қолиб, танбех берди, аммо йигитчага таъсир қилмади.

Олийгоҳни битиргач, таниқли банкнинг туман филиалига оддий ходим бўлиб ишга жойлашди. Бошида банк муҳитини яхшилаб ўрганди. Атрофидаги ходимларнинг ишга вижидонан ёндашиши, ҳалоллигини қўриб, бир муддат қинғир ишларини қилишга чўчиб юрди. Аммо, нафс қурғур ҳечам ҳалол бўлишга йўл бермасди. Уйлангач нафси янаем ҳакалак отди. Ўхшатмаса учратмас деганларидек, хотини ҳам беш бармоғини оғзига тенг сола-

диган очкўз аёллар хилидан чиқиб қолди. Сарвар ўша пайтларда кредит бўлимида ишларди. Ҳар ойнинг охирида ходимлар уйма-уй юриб, кредит фоизини йиғишга чиқишарди. Сарвар мижозлардан йиққан кредит пулларини банк ҳисоб рақамига тўламай, чўнтағига уриб юраверди. Йил якунида унинг миси чиқди. Бу сафар тавба-тазарру-ю, кўз ёшлари билан жавобгарликдан кутулиб қолди. Яшаб турган уйини сотиб, камомадни тўлади. Уни ҳали ёш, билмай хато қилган деб ўйлаб кечиришди. Шу билан эски қорлар эриб, излар ёпилди, деб ўйлади ҳамма. Ҳамкаслари олдидағи обрўйини тиклаб олиш учун уч-тўрт йил яхши ходим бўлиб ишлаб юрди. Гарчи ҳалоллик жуда қимматга тушса-да, бир амаллаб чидади. Бошини кўтармай ишлади. Ўз вазифасини вақтида адо этиб, секин-аста хизмат поғонасидан кўтарила бошлади. Сарвар бир кун унинг даври бошланишини интизорлик билан кутарди. Ва ниҳоят, у кутган кунлар келди. Банк бошқарувчи-си лавозимига тайинланди. Ана энди отни қамчилайдиган давр бошланди.

Сарвар дастлаб ишни ходимлар орасида ўзига хайрихоҳ, нима деса «лаббай» деб жавоб берадиган ишчиларни атрофиға йиғишдан бошлади. Албатта, бундай иккиюзламачилар ҳамма соҳада топилади. Азиз исмли йигит унинг ўнг қўлига айланди. Ходимларнинг моддий ва маънавий аҳволини ўрганиш, банк мижозларини кўпайтириш ўрнига ўз манфаатини устун қўйди. Дастлаб ходимлар орасидаги тўғрисўз, ҳалол, ўз ишига фидоийлик билан ёндашадиган ишчиларни бирин-кетин арзимаган сабаблар билан ишдан бў-

шата бошлади. Сарвар дастлаб ишни энг йирик фирмаларнинг бош ҳисобчилари билан танишишдан бошлади. Уларнинг ҳисоб рақамларида қанча маблағ бор, бу маблағ қандай кўпаймоқда, ҳаммаси ҳакида маълумот олиб турди. Ҳисобчиларни тез-тез бир пиёла чой устида сухбатга чорлаб, чой ичиш асносида улар билан ўз алоқаларини мустаҳкамлаб олди. Йирик фирмаларга тушаётган маблағларни назорат қила бошлади. Бошқа банк раҳбарлари мижозларни кўпайтириш, уларнинг маблағлари хавфсизлигини ошириш учун изланиш олиб бораётган бир вақтда бизнинг қаҳрамонимиз йирик пулларни қандай қилиб ўзлаштириш устида бош қотирарди. Ва ниҳоят, кўзлаган мақсадига етди. Қайноғасининг номига фирма очди ва секин-аста фирмалардаги маблағлардан оз-оз миқдорда ўз фирмасига ўтказа бошлади. Унинг нафси ҳакалак отиб, кўнгли янаям кўпроқ бойлик орттиришни тусаб қолди.

Сарварнинг мана шундай назари оч бўлиб қолишида онаси Омина опанинг ҳам ҳиссаси бор. Она сифатида ўғлига тўғри йўл кўрсатиш, «шунча пулни қаердан оляпсан, бунинг жавоби бор, мусулмончилик аста-секинлик билан бўлади болам, ҳалол бўл», дейиш ўрнига ўглининг олдига катта-катта талаблар қўйди. Турмуши бузилган қизига икки хонали уй олиб беришни Сарварнинг зиммасига юклади, шунча пулни қаердан топаман, ахир кучим етмайди, дейишига қулоқ солмади.

- Биз сени не умидлар билан ўқитдик, биттагина опанг бўлса, агар поччанг топармон-тутармон бўлганида, опанг ажрашмасди. Ҳозир кў-

зим очиқлигига уни уйли-жойли қилиб қўймасанг, эртага хотининг бир сўмни ҳам раво кўрмайди, - дея қулогига қўйди.

- Хўп, майли, уй оламиз, фақат шаҳар четроғидан арzonроғидан олиб турса бўлади-ю, марказдаги уйлар жуда қиммат...

- Йўқ, ўғлим, опангга ёқкан жойдан оласан, эри тарафдагилар опангнинг сендек мард, қўли очик укаси борлигини кўриб қўйишин...

Сарварнинг ичига ўт тушди. Қандай қилиб бўлмасин, пул топиш керак, кўпроқ, кўпроқ... янаям кўпроқ... «Соҳибкор» фирмасидаги бир миллиард сўм пулни қандай қилиб ўзининг «Шердор» фирмасига ўтказиш йўлларини излаб қолди ва топди. Югурдаги Азизнинг ёрдами билан банк масъул ходимига ҳеч нарса ёзилмаган оппоқ қофозга олдиндан қўйдириб олган имзо ҳисобига «Соҳибкор»нинг бир миллиард сўм маблағини ўзининг фирмасига ўтказиб олди. Ва ҳисоб рақамдаги пулни ходимлар сезмаслиги учун нақд пулга айлантириб, шахсий мақсадда фойдаланди. Фирма раҳбари нинг шикоятларига хотиржамлик билан: «Ваҳима қилманг, пулингиз ўн кунлик депозит ҳисобига олинган, ўн кунда қайтиб ҳисоб рақамингизга тушади. Хавотир олманг», деди. Фирма раҳбари Сарварга 1 миллиард сўм маблағнинг чиқиб кетишига бирор-бир асослантирувчи ҳужжат мавжуд эмаслигини айтганида, қаҳрамонимиз пул ҳисоб рақамига қайтиб тушганидан сўнг тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилишини айтиб, тинчлантириди.

Афсуски, ўн кунлик муддат тўрт ойга чўзилди. Тадбиркорчув тушга-

нини билгач, ўзига тегишли суммани қайтариб олиш учун сарсон-саргардон бўлди. Пул қайтишидан умидини узгач, банк устидан шикоят ёзиб, уни прокуратурага топшириди ва суд ишни кўриб чиқиш учун жараённи бошлаб юборди. Шундай қилиб, Сарварнинг янги «операция»си иш бермади. Азиз текширувнинг бошидаёқ ўйиндан чиқиб, Сарварни сотди.

Сарвар қариндош-уруғларидан қарз олиб, фирма рақамига 150 миллион сўм қайтарди. Қолган суммани ҳам қайтариш шарти билан Сарварга қўлланилган «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у суд залидан озод қилинди.

Нафси ҳакалак отган Сарвар суд залида ўзига тегишли хулоса чиқардими-йўқми, буёғи бизга қоронгу. Балки, афсуслангандир, оиласи, фарзандлари олдида уялгандир. Ўз ризқу насибасини ҳалол топиб, еб юрган ҳамкасларига ҳаваси келгандир. Нима бўлганда ҳам, биз бу хатода шайтонни айблашни асло истамаган бўлар эдик. Сарварни шайтон эмас, ўзи йўлдан оздирди. Унинг бу хатосида ота-онасининг ҳам айби бор. Ҳа, айтганча, мабодо тадбиркорлик билан шуғулланаётган бўлсангиз, анави «Соҳибкор» фирмасининг раҳбариға ўхшаб, ишонувчан бўлманг. Сизнинг ҳисоб рақамингиздаги маблағга кимдир кўз олайтиридими – ўша ондаёқ ички ишлар органларига мурожаат қилинг. Шунда қурук кўл билан қолмайсиз...

Х. ХОЛИКОВ,
жиноят ишлари бўйича
Нурафшон шаҳар суди раиси,

Н. РАҲМОНОВА,
журналист